

№ 3
2018 йил

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ


ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ISSN: 2181-9416

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



БУ МУҚАДДАС ВАТАН



«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шавни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик хукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.”

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 13-моддаси.

“...барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамоийилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.



ДА АЗИЗДИР ИНСОН!

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

►► “...давлат органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт.”



►► “Ижтимоий адолат – бу сиёсий қараишлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришидаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар тўғрисидаги гамхўрликдир.”

►► “...фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишининг муҳим шартидир.”

►► “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, мамлакат ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қоданинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шарт.”

►► “Инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангидир.

Бу ҳолат тарихимизда биринчи марта Ўзбекистонга ташириф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн ҳамда Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича маҳсус маъruzачиси Аҳмад Шоҳид томонидан ҳам эътироф этилди.”

* * *

“Бугун, дунё шиддат билан ўзгараётган, барқарор тараққиётга хавф солувчи янгидан янги таҳдиidlар пайдо бўлаётган бир пайтда, маърифат, маънавий, ахлоқий тарбия, ёшлар орасида энг замонавий билимларни эгаллашини, ўз устида ишилашини тарғиб қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари борасидаги таълим халқаро дастурида фаол иштирок этиб келмоқда. Аҳоли орасида умуминсоний идеал ва қадрияtlар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва риоя этиши тамойилларини тарғиб қилиш жараёнига барча давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари жалб этилган.”

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ БОШ ФОЯСИ

Фаррух МУХАМЕДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази
директори

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг навбатдаги янги босқичида ҳам ИНСОН ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш масаласи ҳамма нарсадан устун деган инсонпарвар тамойил асосида ривожланишини дунё ҳамжамиятининг олдида эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассемблеяси 72-сессиясида сўзлаган маъruzасида қуйидаги фикрларни билдирган эди: **“Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффакиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз.”**

Дарҳақиқат, кун сайн янгиланиб бораётган жамиятимизда амалга оширилаётган жиддий ислоҳотлардан кўзланган бош мақ-

сад фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун барча шарт-шароитларни яратиш барабарида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши бўлган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масаласида кўплаб амалий ишлар тизимли равишда бажарилиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган 2017 йилда 29 та қонун ва 900 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган инсонпарвар тамойилни ҳаёта татбиқ қилинишига ҳуқуқий асос бўлди.

Хабарингиз бор, Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 107- ва 108-бандлари Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини



ошириш тизимини тубдан яхшилаш масалаларига бағышланган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу муҳим вазифани тұлақонли амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази жамоасига жуда катта масъулият юклайди.

Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Юридик кадрларнинг малакасини оширишга доир давлат талаблари ҳамда малакасини ошириш тартиби тұғрисидаги Низом лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилиб, унда қуидагилар акс әттирилди:

Биринчидан, Адлия вазирлиги, Адвокаттар палатаси, вазирликлар ва идораларнинг юридик кадрларининг малакасини ошириш соҳасидаги ваколат ва мажбуриятлари бағағасынан күрсатыб үтилган.

Иккинчидан, Давлат талаблари юридик кадрларнинг малакасини оширишнинг шакллари, мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий ва асосий талаблар, ўкув юкламиши ҳажми ҳамда сифатини баҳолаш тартиби белгиланган.

Учинчидан, юридик кадрларнинг малакасини ошириш тизимиға ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шу жумладан бевосита онлайн режимида видеоконференцалоқадан фойдаланилган ҳолда Марказнинг худудий филиалларида аудитория машғулотларини ўтказиш амалийтини жорий қилиш назарда тутилган.

Бугунги кун талабидан келиб чиқкан ҳолда, Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад – юқори малакали, рақобатбардош, мамлакатда ўтказилаётган демократик-хуқуқий ислоҳотларнинг талабларига жавоб берадиган хуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Шу нуқтаи-назардан замонавий ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган юридик кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишдан ҳамда тингловчиларда



мустақил таълим олиш, таълим сифатини бошқарган ҳолда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларида тизимли таҳлил қилиш, норматив-хуқуқий хужжатлар билан ишлаш амалий кўнинмалари, хуқуқни қўллаш хужжатлари лойиҳаларини тузиш, муаммоли вазиятларни тўғри ҳал этиш, энг муҳими мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратаяпмиз...

Бутун умуминсоният маданий тараққиётидаги энг муҳим воқеилилардан бири, шубҳасиз, ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯсининг қабул қилинганидир.

Дунё аҳли деярли ҳар куни ўта глобал муаммоларга, хусусан, даҳшатли террорчилик ҳаракатларига, экстремизм ва фундаментализмнинг ёвуз foяларига, ниҳоятда жиддий экологик ҳалокатга, инсон хуқуқ ва эркинликлари шафқатсизларча камситилишларга дуч келаётган ҳозирги таҳликали ва мураккаб геосиёсий бир шароитда ушбу хужжатнинг қадр-қиммати янада муҳим аҳамият касб этади.

Дунё ҳамжамияти аъзоларининг ажралмас ва бузилмас хуқуқларини 1948 йил 10 декабрь куни илк бор эълон қилган Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари тараққиётарвар инсоният учун ниҳоятда қадрлилиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимиз ўзининг давлат мустақиллигига эриштаң қўшилган дастлабки ҳалқаро-хуқуқий хужжатлардан бири ҳам Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 майдағи “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тұғрисида”ги Фармони халқымиз, қолаверса, халқаро ҳамжамият томонидан катта күтаринкилик билан кутиб олинди.

Фармонда белгиланғаныдек, “давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тамоииллари ва қадриятларига эътиборини күчайтириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилған ташкилий-хуқуқый ва бошқа чоралар тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятiga инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш мақсадида” Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган кенг қамровли Тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ушбу Тадбирлар дастури олтита бўлим, 38 та банддан иборат бўлиб, мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланған инсонпарвар принципларга оғишмай амал қилишни, инсон ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилған чора-тадбирларнинг ташкилий-хуқуқый асосларини янада тақомиллаштириш мақсадида халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга им-

плементация қилишни назарда тутади.

Жумладан, “Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Бола ҳуқуқлари тұғрисидаги конвенциясининг маълумот жараёнига доир факультатив протоколига (Нью Йорк, 19 декабрь, 2011) құшилишнинг мақсаддаға мувофиқлиги масаласини ўрганиш”, “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвеция факультатив протоколига құшилишнинг мақсаддаға мувофиқлиги масаласи бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” каби қилиниши лозим бўлган бир қатор мухим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, Тадбирлар дастурига мувофиқ “Бепул юридик ёрдам тұғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар соҳасидаги қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллиги муносабати билан қадимий Самарқанд шаҳрида хорижий мамлакатларнинг халқаро ташкилотлари ва нуфузли эксперлари иштироқида “Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми”-ни ҳар томонлама юксак савида ўтказиш каби масалалар қўйилган.

Бугунги кунда ушбу Дастурда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида сифатли тарзда амалга оширишга масъул бўлган тегишли вазирлик ва идоралар мутасадидилари ушбу вазифаларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни бажаришмоқда.

Бу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази профессор-ўқытувчилари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирларни, мамлакатимизда мақсади ва шартлари инсон, унинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш бўлган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишида фаол қатнашиши лозим.



Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг МУҚАДДИМАСИда қўйидаги қоидалар алоҳида белгиланган:

“мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча ҳалқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилас экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларациюни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг хурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва ҳалқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар ҳалқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган ҳалқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.”

Минг афсуски, бугунги кунда айрим мамлакатларда ушбу эзгу қоидаларга амал қилинмаётган ҳолатлар учраб турибди. Бундан асосан тинч аҳоли вакиллари, айниқса, voyaga etmagan bolalalar kўp jabr chekaypti.

Биргина Суданда рўй берадиган салбий воқеалар натижасида қанчадан-қанча норасидалар жабр чекмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Жанубий Судандаги 3,4 миллион боладан 2,6 миллиони 2011 йилда уруш бошланганидан кейин дунёга келган. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ЮНИСЕФ ҳалқаро ташкилоти уларга озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигидан ва таълим олиш имкони йўқлигидан ташвишда эканлигини бир неча бор билдириб ўтмоқда.

“Жанубий Суданда уруш давом этаётганига бир неча йил бўлди ва у аввалгидек миллионлаб болалар ҳаётига зомин бўлмоқда”, - дейди Жуби, Ганиел ва Бентиуда бўлиб қайтган ЮНИСЕФ ижрочи директори Генриетта Х. Фор.

Низолар йиллар давомида ҳудудга зарар етказиши натижасида у ердаги болалар



мактабларга боришмаган, тўйиб овқатланышмаган ва касалликларга мойил бўлишган.

“Курашаётган томонлар тинчликни қайтариш учун кўпроқ ҳаракат қилишлари керак ва улар бунинг уддасидан чиқа олишади. Жанубий Судан болалари бундан яхшишига лойик”, - дейди у.

Йил бошидан бўён 800 бола куролланган гуруҳлардан озод этилган бўлса-да, баҳоларга кўра, қолган 19 минг нафари жангчи ва ташувчи бўлиб хизмат қилиш ҳамда жисмоний зўравонликдан азият чекища давом этмоқда.

Жанубий Суданда тўйиб овқатланмаслик даражаси жуда юқори, 1 миллиондан ортиқ бола тўйиб овқатланмайди, шу билан бирга, 300 минг нафари - ўлим ёқасида.

Таълим олиш имконидан маҳрум болалар сони 2 миллионга яқинни ташкил қиласди.

2013 йилдан бўён 100 дан зиёд ёрдам кўрсатувчи ходимлар ўлдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қайд қилинган демократик ва инсонпарвар қоидаларни бажаришни давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши деб белгилаган. Ва бу йўлда давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боз Ассаблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаганларидек, “Биз барча шериларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз.”

ИСЛОХОТЛАРДАН КҮЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ



Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг камситилишига йўл қўймаслик, унинг орзу-умидлари тўла даражада рўёбга чиқиши учун муносаб шароит яратиш сингари эзгу гоялар бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Кейинги йилларда шиддатли тус олган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб замирида ҳам ушбу эзгу гояларни амалга ошириш сингари мақсад ётади. Моҳияти ва кўлами жиҳатидан улкан аҳамиятга эга бўлган мазкур ислоҳотлар натижасида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, бугун самарали фаолият юритмоқда.

Айтиши керакки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашда ушбу орган фаолияти мухим аҳамият касб этади.

Кўйида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Қурбонович Мингбоев билан ушбу мавзуда қилинган сұхбат эътиборингизга тақдим этилади.



Убайдулла Қурбонович мустақиллик йилларида инсон ҳуқук ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқук ислоҳотлари бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Алоҳида таъкидлаш керак, Ўзбекистонда кейинги икки йилда суд-ҳуқук соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилиди. Дастлаб, мана шу янги босқичдаги чуқур ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларини қисқача гапириб берсангиз?

– Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг асосий фояси, устувор йўналиши Конституция ва қонунларда белгиланган инсон ҳуқук ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш масаласига қаратилганлиги билан ҳам бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътиборини тортиб келмоқда.

Алоҳида эътибор қаратиш керакки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳисобланади. Бу бежиз эмас, демак мустақилликнинг ilk йилларидан бошлаб мамлакатимиз инсон

хуқуқларини ҳимоя қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгилаганига амалий мисол бўлади.

2018 йил 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тамойиллари ва қадриятларига эътиборини кучайтириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чоралар тизими ни янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизmlари ва тартиби самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзларининг кўплаб маърузаларида ва чиқишлиарида “Одамларни рози қилишимиз керак” ёки “Инсон манфаатлари ҳамма нарса-

дан устун” деган фикрларни таъкидлайдилар. Ушбу муҳим масалада қўйидаги фикрларини билдириб ўтади. “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимиизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланishi шарт.”

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказиладиган сайлов олди дастурлариданоқ Ўзбекистонда суд тизими нуфузини юксалтириш борасида тўхталиб, судни том маънодаги

ка Олий суди ва Олий хўжалик судининг бирлаштирилиши натижасида ягона Олий суд фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июль куни қабул қилинган “Суд-хўкуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони янада аҳамиятлидир. Мазкур фармонда бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, судьялар ва улар билан биргалиқда суд идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг ҳам ойлик маошлари оширилиши белгилаб қўйилди. Ҳаттоқи, фармонга асосан судьяларнинг транспорт воситалари, суд ходимларининг эса намунали уй-жойларни сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиладиган бўлди. Бундай ҳолат шу кунга қадар ҳеч қачон юз бермаганлиги сабабли ушбу фармонни тарихий фармон десак муболага қилмаган бўламиз.

— Сиз юқорида айтиб ўтганингиздек, Ўзбекистонда илк бор Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, бугунги кунда фаолият юритаяпти. Олдин ушбу орган фаолиятини жамоатчилик асосида ишлайдиган Комиссия бажаарар эди. Кенгаш фаолияти бошланганидан кейин, судьяларни танлаш ва тайинлашда қандай ўзгаришлар рўй берди. Олдинги Комиссия билан ҳозирги Кенгаш фаолиятининг айнан фарқи ҳақидаги фикрларинизни билмоқчи эдик. Шунингдек, судьялар корпусида сифат жиҳатидан ижобий ўзгариш кузатилдими?!

— Инсон хукуқларини таъминлашда мустақил суд ҳокимиятининг ўрни ниҳоятда катта. Шу боис суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялик касбининг нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида Конституцион орган бўлган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

21 нафар аъзодан иборат Кенгаш фаолияти очиқлик, холислик, коллегиаллик принципларига асосланган.



“Адолат қўрғони”га айлантириш тўғрисидаги фикрларини илгари сурган эди. 2017 йилнинг 13 июнь куни эса судьялар билан учрашиб очиқ мулоқот ўтказдилар. Бундай учрашув тарихда бўлган эмас. Давлатимиз раҳбари судьялар билан юзма-юз учрашиб уларга яна бир бор ишонч билдириб, уларнинг олдига бир қатор амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни қўйди. Ҳаттоқи, судлар томонидан оқлов ҳукмларининг эълон қилинмаётганлигини танқид қилди. Ўз навбатида ана шу учрашувдан судьялар ҳам одилликни амалга ошириш учун куч олди десам адашмаган бўламан.

Мана бир йилдан ортиқроқ вақт ўтаптики илгари мавжуд бўлган Республи-

Кенгаш ўз фаолиятини фақат қонунга бўйсунган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга ошириши, Кенгаш фаолиятига аралашибга йўл кўйилмаслиги ва бу қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб кўйилди. Кенгаш аъзолари қарорлар қабул қилишда сиёсий қарашлардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи-на зарини ифодалайди.

Судьялар олий кенгашининг энг асосий вазифаларидан бири, судьялар корпусини юксак маънавий-аҳлоқий фазилатга, етарли ҳаётий тажрибага, мустақил фикрлаш ҳамда ўзи қабул қилган қарор учун жавобгарликни ўзига олиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабли, судьялар корпусини юқори билим ва салоҳиятга, етарли тажриба ва кўникмага, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатга эга юридик кадрлар, жумладан, биринчи навбатда ҳукуқни муҳофаза қилиш органларида намунали фаолият юритаётган ходимлар ҳисобидан шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича самарали ва демократик ташкилий-хукуқий ишлар амалга ошириш кўзда тутилган. Судьяларни танлаш ва тайинлаш учун шаффоф, адолатли ва мустақил тартиб ўрнатилди.

Эндиликда судьяларни танлаш ва тайинлаш тизимининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, шунингдек, судьяликка номзоднинг масъулиятини ошириш учун янги тартиб жорий қилинди. Унга кўра, бугунги кунда судьялик лавозимларига тайинланаётган номзодлар кенг жамоатчиликка уларнинг фикрини олиш мақсадида таниширилади. Судьяликка номзодлар тўғрисида фуқароларнинг ижобий фикрлари мавжуд бўлгандагина тайинланади. Ушбу амалиёт бугунги кунда тўлиқ ўйлга кўйилди. Жамоатчилик фикри олингандан кейингина Кенгаш судьялик лавозимига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласади. Айтиш керакки, ушбу тартиб судьялар корпусининг сифат жиҳатдан яхшиланишига амалий таъсир кўрсатмоқда.

— Судьялар олий кенгашини ташкил этиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли фармонида судьяларни интизомий



жавобгарликка тортиш, шунингдек, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хуоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш Кенгашнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган эди. 2018 йилнинг биринчи чораги давомида ушбу йўналиш бўйича Кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Очигини эътироф этиш лозим, ўтган даврда Судьялар олий кенгashi томонидан бир нечта судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатилган.

Бу борадаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилнинг олти ойи давомида жами

41

та судьяга нисбатан интизомий
иш қўзғатилган

22

нафар судьяга нисбатан “ҳайфсан”

4

нафар судьяга нисбатан “жарима” интизомий жазо чоралари қўлланилган

9

та интизомий иш тутатилган

6

та қўзғатилган интизомий иш муҳокамаси
ҳисобот даврининг иккинчи ярим йиллигига
қолдиқ бўлиб ўтган.

Қўзғатилган интизомий ишларнинг

19 таси

фуқаролик ишлари бўйича

6 таси

жиноят ишлари бўйича

3 таси

иқтисодий ҳамда **13 таси**

маъмурий судларнинг
судьяларига тўғри келади.

Шулардан

33 таси

биринчи марта беш йил муддатга
тайинланган судьяларга

8 таси

судьялик стажи навбатдаги ўн йил муддатга
тўғри келадиган судьяларга тегишлидир.

**Таҳлилларга кўра, интизомий
ишлар вилоятлар кесими бўйича**

Тошкент вилояти

7 та

Тошкент шаҳри

6 та

Сурхондарё вилояти

5 та

Андижон, Жиззах ва Хоразм вилоятлари
судларига

4 тадан

тўғри келади.

Юқоридагилардан кўринадики, жорий йилнинг 6 ойи даврида Кенгаш томонидан судьяларга нисбатан интизомий чора кўриш билан боғлиқ кўрилган масалалардан 61,2 фоизи (41 та) бўйича судьяларга интизомий иш қўзғатилган бўлса, 38,8 фоизига эса (26 та) интизомий иш қўғатиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган.

— Убайдулла Курбонович фурсати келганда Судьялар олий кенгashi нинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорлигига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, судьялар корпуси сифатини ошириш, билимли, малакали, буғунги кун талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан доимий ҳамкорлик қилиб келамиз.

Хусусан, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахсларни ушбу Марказда ўқиши ташкил этилган. Амалий мисол тариқасида айтишим мумкинки, ўтган 2017 йил давомида Юристлар малакасини ошириш марказида захирага киритилган 157 нафар номзодлар махсус курсларда ўқитилган. Шулардан 83 таси жиноят ишлари бўйича суд номзодлари, 43 таси фуқаролик ишлари бўйича номзодлар, 31 таси эса, ички ишлар органлари номзодларига тўғри келади.

Номзодлар билимини баҳолаш “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилиб, унда баҳолашнинг мақсади – тингловчиларда ўқитилаётган фанларни чуқур эгалаш, топшириқларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мунтазам ошириб боришга интилиш, назария билан амалиётни узвий боғлаш ҳамда тегишли адабиётлардан кенг ва унумли фойдаланиш кўнкималарини ривожлантириш орқали кадрларни касбий тайёрлашга эришишдан иборат эканлигига қаратилди. Баҳолашнинг вазифалари этиб тингловчиларда мустақил ишлаш кўнкималарини кенг ривожлантириш, мунтазам равишда тингловчиларнинг ўкув дастурларини ўзлаштиришини назорат қилиш, тингловчиларнинг юридик соҳадаги назарий билимларини чуқурлаштириш ва амалиётни мукаммал ўзлаштиришларини таъминлаш, шунингдек, тингловчилар билимини ҳаққоний, холис ваadolатли баҳолаш, шу билан биргаликда, профессор-ўқитувчиларнинг машгулотларга пухта тайёргарлик кўриш бўйича масъулиятини янада ошириш асосий мезон қилиб белгиланди.

— Сиз бу соҳада жуда катта тажрибага эга инсонсиз. Бугунги кун судьясини қандай тасаввур қиласиз.

— Шу соҳасида қарийб эллик беш ийлилк иш тажрибасига эга бўлсанда, баъзан ҳақиқий судья ким? У қандай фазилатларга эга бўлиши керак деган савол ҳақида ўйлаб қоламан. Бу борада кўп мушоҳада юритаман. Тўғри, ҳамма касбнинг ҳам ўзига хос томонлари, ўзига хос масъулияти бор. Лекин, судья бу – инсон тақдирини ҳал қиладиган ниҳоятда масъулиятли касб. Унинг қабул қилган нотўғри қарори туфайли бир инсон, бир умр бадном бўлиши мумкин. Агар у жиноят содир қилган бўлса, судьянинг нотўғри қарори сабабли жазодан қутулиб кетиши мумкин. Хуллас, бу жуда

масъулиятли касб. Шунинг учун, судьялик осон эмас, аммо у ўзининг одиллиги, инсонпарварлиги, холис ва беғаразлиги билан ўта шарафли лавозимдир.

Мен узоқ ийлилк тажрибамдан келиб чиқиб, том маънодаги судьяни қуйидагича тасаввур қиласман:



- Конституция ва қонунларни муқаддас билиб, ҳамма вақт ва ҳар қандай вазиятда уларга риоя қиласдан;



- Ватанга ва ҳалқа бўлган садоқатини ҳар бир ҳаракатида намоён қиласдан;



- Давлатимиз раҳбарининг “Ҳалқ ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидаи олмайди” деган пурмаъно фикрларини асло унумтайдиган;



- судьялик қасамиёдига ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳамиша содик бўлиб, уларни бузишдан кўрқадиган ва бузганлардан ҳазар қиласдан;



- ҳамма вақт ва ҳар ишда, айниқса, хизмат фаолияти билан бовлиқ муносабатларда сабр-тоқатли, метин иродали;



- ҳар қандай қонун бузилишига нисбатан муросасиз, қонун номидан яшиндай шиiddатли, шамширдай кескир муносабатда бўладиган, энг асосийи ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда адолат томонда тура оладиган ҳамда адолатли қарор қабул қилишга қодир бўлган;



- суд ишларидаги бирор бир тарзда ошина-огайнигарчилик, жўрабозлик, маҳаллийчиллик, гурухбозлик, миллатчиллик каби иллатлардан ҳоли бўлган инсонни кўз олдимга келтираман. Юкоридагилар одил судья тўғрисидаги фикрларимнинг ҳаммаси эмас. Фақат бир қисмигина холос, буни яна анча давом эттириш мумкин. Бугунги кун судьяси айнан Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек “Онгидা – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса – поклик” устувор бўлган шахс сифатида шаклланиши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Суд-хуқуқ ислоҳотлари натижасида фуқароларга қандай қулайликлар яратилмоқда? Соҳада бартараф этилган ёки этилаётган камчиликлар ва шу йўлда олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Минг афсуски, соҳада ҳам баъзи бир камчиликлар учраб тургани бор гап. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун Кенгаш ва Судьялар ассоциацияси ҳамкорлигида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, яқиндан бошлаб биз биринчи беш йиллик муддатга тайинланган ёш судьяларимизнинг оила-аъзолари (ота-оналари, турмуш ўртоқлари) билан учрашув ўтказиш амалиётини бошлидик. Биринчиси, Ўзбекистон Судьялар ассоциациясида Тошкент шаҳридаги ёш судьялар ва суд ходимларининг ота-оналари ва турмуш ўртоқлари билан жонли учрашув ўтказдик. Буни бежиз ташкил этганимиз йўқ. Ҳаётий ҳақиқатлардан келиб чиқкан ҳолда, ушбу мулоқотни ташкил эта бошлидик. Истаймизми ёки йўқми судьяга у ёки бу томондан оиласи таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Ушбу мулоқотда кўпроқ ёш судьялар ва суд ходимларининг хизмат ва мансаб ваколатлари юзасидан олиб бораётган фаолиятида уларнинг оила-аъзолари томонидан ноўрин талаблар қўйилмаслиги уқтирилиб, ота-оналарга ўз фарзандларига тўғри тушунириш беришлари ва уларни доимо назорат қилиб боришлари юзаси-

дан йўл-йўриклилар ва тавсиялар берилди.

Мол-дунё тўплаш энг ёмон иллатлардан бири эканлиги таъкидланиб, айниқса, бу борада амалдаги судьяларнинг турмуш ўртоқлари ўзларини тия билишлари ва умр йўлдоши ойлик маошида яшашни ўрганиш кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди. Бу эса тизим фаолиятида коррупциянинг олди олинишига ҳам хизмат қилади.

Агарда биз судьяларнинг тўлов қайдномасида кўрсатилган миқдордаги ойлик маошларига қаноат қилишларига эришсак, тизимдаги энг катта ютуқни кўлга киритиб, адолатни қарор топтиришга замин яратган бўламиз.

Судьялар давлат номидан иш кўрувчи масъул вазифада хизмат қиладиган шахслардир. Уларнинг ножӯя хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши соҳа фаолияти ва ривожига тўсик бўлиши мумкин. Эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилган бу каби учрашувлар ёш судьяларнинг адолат посбонлари бўлишларida амалий аҳамият касб этади.

Учрашувда иштирок этган судьяларнинг ота-оналари шундай мулоқот тўғри ташкил этилганлигини, бу ўз навбатида ота-оналарга ҳам алоҳида масъулият юклашини эътироф этишди. Ҳақиқатдан ҳам, ота-оналарнинг назорати судья фаолиятида ниҳоятда ижобий таъсир кўрсатади.

Энди бундай учрашув ва мулоқотларимизни барча вилоятларда тизимли равища ўтказиб борамиз.

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди.**



“Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқук устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган ўюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.”

БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги конвенциясидан

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ТАҲДИДИ



Минг афсуски, коррупция деб аталмиши бало давлатчилик шаклларининг ҳар қандай кўринишида инсониятнинг маънавий ва моддий тараққиётига болта уриб келаётган ўта зарарли ижтимоий иллат сифатида жуда катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Ўрни келганда таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳам инсониятни ташвишга солаётган энг глобал муаммолардан бири – коррупция балосидир.

Коррупция – лотинча сўз бўлиб, “пора бериб сотиб олиш” маъносини англатади. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқук ва имкониятлардан шахсий бойлик орттириши мақсадида фойдаланишини ифодаловчи сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураши давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жуда кўплаб маъруза ва чиқишиларида лоқайдлик, бепарвонлик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатини сустеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўғрисида гапиради ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддиларига асосий ва-

зифа сифатида қўяди. Жамият тараққиёти кушандаси бўлган ушбу иллатга қарши курашиш йўлида аёвсиз кураш олиб борилаётгани ўзининг самарасини ҳам бермоқда. Коррупцияга қарши курашиш Республика идоралароро комиссияси томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак:

Ўзбекистонда 2017 йилнинг биринчи ярим ийли давомида коррупцияга алоқадорликда гумон қилинган



Жумладан, Жиноят кодексининг



Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан қўзғатилган жиноий ишлар сони эса 22 фоизга камайган. Шунингдек, коррупция жиноятлари натижасида етказилган зарарнинг 77 фоизи ундириб олинган. Коррупцияга алоқадор бўлган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу турдаги барча жиноятлар сони камайган. Лекин, коррупцияга қарши курашиш борасида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Мъалумки, ички ишлар органлари бевосита коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари тизимиға киради. ИИВ Академияси ҳам Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмаси ва шу билан бирга юридик олий ўкув юрти сифатида коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш, илмий-амалий тадбирлар ўтказиш каби чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Журналиниз саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва Криминология кафедралари томонидан “Ички ишлар органларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолиятининг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусида ўтказилган давра сұхбати тафсилотлари билан батафсил таништирамиз.

Ахтам ТУРСУНОВ, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори:

– Илмий-назарий томондан ёндашиб айтадиган бўлсак, коррупция вужудга келиши сабаблари ва шарт-шароитларига кўра ҳам ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли унга қарши кураш ҳам ниҳоятда мураккаб кечади. Иккита кафедра ҳамкорлигига ўтказилган давра сұхбатидан қўзланган асосий мақсад ҳам коррупцияни вужудга келтирувчи омиллар ҳамда ички ишлар органларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолиятининг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни атрофлича таҳлил қилишdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш – давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, деб белгиланди.



Ўрни келганда коррупция давлат ва жамият ҳаётида қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида тұхтатылғанда мақсаддаға мувоғиқ бўлади.

Биринчидан, инсоният ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган – демократия ва демократик институтларнинг мустаҳкамланишига салбий таъсир қилауди, яъни уларга жиғдий путур етказади.

Иккинчидан, жамият тараққиети учун энг муҳим омил – тинчлик, осойишталык, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадрияларнинг бузылишига олиб келади ва кенг жамоат-

чиликда уларнинг мавжудлиги тўғриси-даги ишончни сўндиради.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, соғлом рақобатнинг бозордан сиқиб чиқарилиши, яширин иқтисоднинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади.

Тўртинчидан, жамиятда носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг шакланишига сабаб бўлиб, демократик давлатнинг энг муҳим хуқуқий принципларининг бузилишига олиб келади. Ва, бундай салбий оқибатларнинг яна қанчасини санаб ўтиш мумкин. Энди булардан ўзингиз тегишли хулоса чиқариб олаверинг...

Давра сухбатида кўп бора таъкидланганидек, коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни жадаллик ва қатъият билан амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайман:

- Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини янада такомиллаштириб бориш;

- коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлаш;

- норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш амалиётини янада такомиллаштириш;

- коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганлар учун аҳоли ичидага сайёр суд мажлисларини кўпайти-

риш ва кўргазмали суд мажлисларини ўютириш;

- мастьуль лавозимларга тавсия этилаётган номзодларга талабларни кучайтириш;

- давлат хизматининг нуфузини, давлат хизматчиларининг маошини ва масъулиятини ошириш;

- аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларнинг сифати ва миқдорини янада ошириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;


- коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни барта-раф этишга доир комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш;

- давлат органларининг мансабдор шахслари устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

- судлар ва оммавий ахборот восита-ларининг мустақиллигини таъминлаш;

- юрист кадрларни тайёрлаш тизими-ни тубдан қайта ислоҳ этиш;

- мансаблар сотилишининг олдини олиш, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг ҳаққоний бўлишига эришиш ва бошқалар.



Қумринисо АБДУРАСУЛОВА, Криминология кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор:

– Мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса сифатида коррупция тарихи қадимийлигига кўра инсоният цивилизациясига тенг, десак хато бўлмайди. Давлат хизмати тизимидағи коррупция ҳақидаги биринчи битиклар Қадимги Бобил (эр амизгача бўлган 24-аср) архивларида топилган. Ўша даврда Лагаша мансабдор ва судяларнинг вазифаларини сунистъемол қилишнинг олдини олиш мақсадида давлат бошқарувини ислоҳ қиласди.

Машхур қадимги юонон ҳикматига кўра “Do ut facies” (бажариши учун бераман) дейилган.

Коррупция – ижтимоий феномен, жамият ва ижтимоий муносабатлар натижаси, ижтимоий ва хўжалик фаолиятини бошқариш функциясининг ўзига хослигидан келиб чиқиб вужудга келади ва мавжуд бўлади, яъни айнан шундай ҳолатда мансабдор шахсда жамият ва давлат манфаатларини эмас, балки ўз шахсий гараз ниятидан келиб чиқиб ресурсларни тасарруф этиш ва қарорлар қабул қилиш имконияти вужудга келади. Демак, коррупция мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, унинг кўриниши, шакли ўзгариши билан ҳажми қисқармайди.

Ҳозирги вақтда коррупция миллий хавфсизликка таҳдид солаётган асосий хавф бўлиб, иқтисодиёт ривожланишига асосий тўсиқ, давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларга қарамай ижтимоий барқарорликнинг сақланиши ва чуқурлашувига таъсир қилувчи омилдир. Коррупция иқтисодий қонунларнинг эркин ҳаракатланишини чеклайди, мамлакат нуфузини халқаро ҳамжамият олдида туширади. Ҳаққоний ва ижтимоий йўналтирилган бизнес бозордан сиқиб чиқарилади, чунки коррупция бундай бизнесни норентабел қилиб қўяди.

Коррупция ўта мослашувчан хусусиятга эга бўлиб, шаклини ўзгартириб такомиллашиб, ижтимоий хукуқий тизимдаги бўшликлар, камчиликлардан усталик билан фойдаланади. Чоп этилган маълумотларга кўра, ҲМҚО (хукуқни муҳофаза қилувчи орган) ҳақиқий коррупция ҳолатларининг 1-2 % аниқлайдилар, жавобгарликка тортилганлар сони ундан ҳам камроқдир.

Ушбу ижтимоий салбий ҳодиса миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал маастштаб касб этмоқда. Ундан олинган даромадлар легаллаштирилганидан сўнг халқаро ва миллий



молиявий тизимга жойлаштирилиб, давлат ва халқаро ҳокимият ҳамда иқтисодиёт институтларини емирмоқда. Трансмиллий коррупцияга қарши кураш XX асрнинг сўнгги чорагида фаоллашди, чунки шу даврда у аниқ институционал хусусият касб эта бошлади. Коррупция қонун устуворлиги, демократия, инсон хукуқларига, жамиятдаги ахлоқий қадриятлар, ҳокимиятга ишонч давлат бошқаруви принциплари, тенглик, ижтимоийadolatga taҳdidd soladi, konkurenсия (raқobat)га tўskinlik қиласди. Amaliётни ўрганиш коррупция давлат бошқарувининг бутун тизимини издан чиқариб, давлат ҳокимияти авторитети (обрўси)нинг, давлат хизмати нуфузининг тушиб кетишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. У иқтисодиётнинг ривожланишига тўskinlik қилиб, айниқса иқтисодиёт соҳасига ушган жиноятчиликнинг ўсишига имкон беради.

Коррупция феноменини тушунишга оид турли методологик ёндашувлар бор. Қадимдан унинг бир неча: ижтимоий, сиёсий, криминологик, хукуқий жиҳатлари кўриб чиқилган. Хусусан, Афлотун ва Арусту коррупцияни сиёсий категория; Н.Макиавелли давлат умумий камсаллигининг кўрсаткичи; Ж.Монтескье эса уни дисфункциональ жараён эканлиги сабабли яхши сиёсий тартиб ёки тизим яроқсиз бўлиб қолади, деб баҳолашган.

Ҳозирги замон илмий, ўқув ва ижтимоий публицистик адабиётларда коррупцияга турлича таърифлар берилган. Коррупцияга қарши курашнинг универсал усулини аниқлаш учун асос хисобланувчи унинг ягона тушунчасини ишлаб чиқиш мураккаб эволюцион йўлдир. Коррупциянинг интеграль хусусиятга эга эканлиги туфайли ушбу ҳодисанинг ягона тушунчаси ишлаб чиқилмаган.



Зафар АМИРОВ, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори:

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизматининг маълумотига кўра, 2017 йил мамлакатимизда порахўрлик билан 1,7 мингдан ортиқ жиноят иши бўйича 2,5 минг нафарга яқин шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Рақамлардан кўриниб турибдикি, коррупция билан боғлиқ жиноят содир этиш ҳолатлари анчагина учраб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашишда, аввало, ҳар бир инсон ўз фаолиятини қонунларга бўйсуниш нуқтаи-назаридан жиддий ислоҳ қилиши керак. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу – энг аввало, инсон онгини ўзгартиришга қаратилганигидир. Мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев ўзининг кўплаб маъруза ва чиқишларида одамларнинг дунёқарашини, ҳаётга нисбатан муносабатини ўзгартиришимиз лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтади. Бу бежиз эмас, албатта. Қачонки инсонда соғлом фикр пайдо бўлса, у коррупциядан ҳоли бўлади.

Айни пайтда коррупцияга оид жиноятларнинг аксарият қисми латент бўлиб қолмоқда. Мазкур жиноятларни фош этиш динамикаси субъектив омил давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари сиёсий иродасига боғлиқдир. Мамлакатимизда коррупция жинояти учун жавобгарликка тортилганлар сони 2013 йилга нисбатан 2017 йилда 1,5% камайганлиги унга қарши кураш ҳақиқатда кучайганлиги кўрсаткичидир, бироқ коррупция жиноятчилигининг фақат 1-2 % фош бўлади, қолган қисми эса латентлигича қолмоқда. Коррупция жиноя-

тини содир этганлар шахсига келсак, мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупция жиноятларнинг таркиби қўйидагича: пора олиш (24,4%), мансаб соҳтакорлиги (23,1%), ҳокимиюти ёки мансаб ваколатини системол қилиш (22,2%), ҳокимиюти ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (21,7%), пора бериш (5,4%) ва бошқалар (3,5%).

Коррупционер шахсининг тавсифи уларни иккита мустақил ва бир-биридан фарқ қилувчи криминалогик портретидан ташкил топган:

а) давлат органларининг мансабдор шахси, давлат ёки маҳаллий органлар хизматчилари нинг файриқонуний равишида енгилликлар, имтиёзлар бериши ёки олиши;

б) юқоридаги мақсадларни кўзлаб маблағ берувчилар ёки бошқа хизмат кўрсатувчилар киради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуд ёки тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан давлат органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига киравчи масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи-назарини баён қилишни талаб қилган ҳолда мурожаат қилишлари ёки сўровлар юборишлари мумкин.

Сўровда фуқаролар йигинининг номи кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён қилинishi лозим. Сўров фуқаролар йигини раиси томонидан имзоланади ва тегишли фуқаролар йигини муҳри билан тасдиқланади. Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳокамалар, жамоат эшитувлари, мунозаралар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилиши мумкин. Муҳокамалар, жамоат эшитувлари ва мунозараларга фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилган давлат органи мансабдор шахслари ва бошқа ишчилари ҳам таклиф қилинади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарииш органлари томонидан тайёрланган қарорлари, таклифлари, хулосалари давлат органлари томонидан мажбурий тартибда ўттиз кун ичida кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарииш органларига ёзма равишда жавоб берилади. Лекин, қонун уларга берган шундай кашта ваколатлардан қай даражада фойдаланилаяпти деган ҳақли савол туғилади. Очигуни тан олиб айтиш керак, ҳамма маҳаллалар ҳам буни етарлича ўз ўрнига қўйган деб айтиш қийин. Агар бу бўйича таҳлил ўтказилса, мавжуд камчиликлар рўйрост кўриниб қолади.





Бундан ташқари, қонуннинг тегишли моддаларида фуқаролар йигинлари Кенгашлари маҳаллалар ҳудудидаги корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш ваколатига эга эканлиги белгиланган.

Мазкур ваколат ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Маҳаллаларда жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларидан биридир. Лекин, очигини айтганда барча фуқаролар йигинлари ҳам қонунда белгиланган бу муҳим ваколатларидан тўлалигича фойдаланаётганлари йўқ. Тўгрисини айтганда, айrim фуқаролар йигинлари Кенгashi йил давомида бир марта ҳам бундай жамоатчилик эшитувларини ташкил этмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кўплаб ваколатлари фуқаролик жамияти институтларига берилаётган бир пайтда улар ўзларининг барча ваколатларидан тўлалигича фойдаланиши лозим. Шунда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятига алоҳида масъулият ва жавобгарлик билан ёндашади. Бунинг

бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Нима бўлганда ҳам бугунги шиддатли ислоҳотлар жараёнида ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқарish орғанлари ўзларига қонун билан берилган ваколатлардан унумли фойдаланиб, жамоатчилик назоратини амалга оширишлари лозим.

Сиёсий партиялар орқали ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт нуқтаи-назаридан ёндошганимизда бу масала бўйича сиёсий партиялар фаолиятидаги айrim муаммо ва камчиликлар борлиги айни ҳақиқат.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Эколо-гик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузаларида “бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва смарали бажармоқда, деб айтольмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгига ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади”⁷ дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Мамлакатимиздаги шиддатли демократик янгиланишлар жараёнида мавжуд 4 та сиёсий партия ҳам дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, фаол иштирок этиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириши керак эди.

Сиёсий партиялар орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш ҳақида сўз борганда, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ёки маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг фаолияти юзасидан ахборотларини эшитиш масаласини айтиб ўтиш ўринли. Бу борада Парламентда маълум бир амалиёт, ижобий натижা шаклланаётган бўлишига қарамасдан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухларида фаоллик етишмайди.

Сиёсий партиялар вакиллари фақатгина мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан, бугунги баъзи бир ҳаётий муаммоларга маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг эътиборини қаратиб, амалий ечим топилишига ҳиссаларини қўшиши талаб этилади.

Лекин, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир томондан сиёсий партиялар ўзларининг турли тадбирлари ва лойиҳалари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кенг жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортишига, ҳукукий маданиятигининг юксалишига амалий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

¹ Шавкат Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. 141-142-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 й., 16-сон.

³ “iza.uz” расмий сайти., 2018 йил 5 май.

⁴ “Ҳалқ сўзи” газетаси., 2018 йил 28 май.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда.

⁶ «Ҳалқ сўзи» газетаси., 2013 йил 23 апрель, 77 (5751)-сони.

⁷ Шавкат Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. 542-бет.



Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назорати Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида энг асосий вазифа деб қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмай риоя этилишини, улар олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ниҳоятда муҳим институтдир. Шунуктаи-назардан келиб чиқиб, доимий равишда мамлакатимида давлат идоралари фоалияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиши ва уни янада такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этади.



Шұхрат ФАЙЗИЕВ,

Юристлар малакасини ошириши марказы кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТҮГРИСИДАГИ ҚОНУН: АСОСИЙ ЙҰНАЛИШЛАРИ ВА АМАЛИЁТДА ҚҰЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва ушбу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш ҳамда бу борада фуқароларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланган. Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати түгрисида”ги қонуни ишлаб чиқилди ва 2018 йил 12 апрелда қабул қилинди.



Мазкур қонуннинг мақсади — давлат органдарни ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибига солишдан иборат. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жамоатчилик назорати түгрисидаги қонуни қоида-талаблари ушбу соҳадаги барча муносабатларни тартибига солмайди. Мазкур қонуннинг 2-моддасида биринчидан, қонун ҳужжатларида касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкинлиги, иккинчидан, референдумларга, сайловларга тайёр гарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибига солиниши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати түгрисида”ги қонуни мамлакатимиз ҳуқуқий тизими тарихида янги қабул қилинган



қонун бўлиб, давлат органлари ва мусассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасида жамоатчилик назорати субъектлари доирасини белгилайди. Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлариди. Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат органларининг қайси соҳадаги ваколатлари жамоатчилик назоратининг обьекти бўлади ва қайси масалалар юзасидан ушбу назоратни олиб бориш мумкинлиги жуда муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Қонунга асосан давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қуидаги фаолият йўналишлари жамоатчилик назоратининг обьекти бўлиб ҳисобланади:

-қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиши давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоат-

чилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

-фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлаш;

-ўз зиммасига юкламилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажариш;

-давлат хизматларини кўрсатиш;

-ижтимоий шерикллик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажариш.

Мазкур норманинг аҳамияти шундаки, биринчидан, жамоатчилик назоратининг объектлари доирасини аниқлаштиради, иккинчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қиласди.

Албатта, ҳар қандай назорат шу жумладан, жамоатчилик назоратининг самарадорлиги қайси шаклларда амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу мақсадда, мазкур қонуннинг 6-моддаси жамоатчилик назоратининг турли муҳим шаклларини мустаҳкамлади. Ҳусусан, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш; давлат

органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик мұхомасини ўтказиш; жамоатчилик әшитувини ташкил этиш; жамоатчилик мониторингини амалға ошириш; жамоатчилик экспертизасини ўтказиш; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарыш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини әшитиш ва бошқалар. Бундан ташқари, қонунда жамоатчилик назорати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалға оширилиши мүмкінлеги белгиланган.

Ушбу шаклларнинг аҳамияти шундаки, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилишда турли-туман мұхим демократик андозаларга мос бўлган назорат шаклларининг жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ўтказилиши ҳамда ушбу шакллар орқали давлат органлари ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг мұхим жиҳатларини назорат қилиш имкониятини янада оширишга хизмат қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунда белгиланган барча шакллари чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва ушбу шаклларни амалға ошириш имкониятларини кенгайтиради. Хусусан, мазкур Қонуннинг 14-моддаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарыш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини әшитиш каби мұхим назорат шаклини белгилайди.



Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда) қонунининг 11-моддасига асосан, маҳалланинг энг олий органи ҳисобланган Фуқаролар йиғини жамоатчилик назорати асосида қуийдаги ваколатларни амалға оширади:

хар чоракда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини әшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишинча Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритади, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалға оширади;

атроф мұхитни мухофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини әшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қиласди;

ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳукук-бузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда әшитади;

тегишинча оиласий поликлиникаларнинг, қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотларини әшитади;

тегишли ҳудудда қонулар ва бошқа қонун хужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизматтар кўрсатиши ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиши сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни саклаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиши ва уларни мухофаза этиши устидан жамоатчилик назоратини амалға оширади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг ушбу ваколатларининг аҳамияти шундаки, биринчидан, ўз ҳудудидаги барча давлат органлари ва мансабдор шахсларининг маҳалла ҳаётига оид масалалар юзасидан ҳисоботлари ва ахборотларини әшишилари ва улар юзасидан мұхим қарорлар қабул қилиши мумкин.



Бу эса ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган маҳалла фуқаролар йигинлари давлат органлари ва муассасалари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини ўтказиш орқали маҳалладаги мавжуд муаммолар, фуқаролар ҳаётига оид долзарб масалаларни ўз вақтида ечиш имкониятини янада оширади.

Ҳар қандай қонун хужжатларида белгиланган қоида ва талабларни ўз навбатида амалиётга татбиқ этиш ва ижросини таъминлаш ҳолати яъни механизмлари билан боғлиқдир. Мазкур қонунда ҳам жамоатчилик назоратини олиб борувчи фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқук ва мажбуриятлари аниқ белгиланганлиги мазкур назоратни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Ушбу қонуннинг 15-моддасида жамоатчилик назорати субъектларининг қўйидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланган:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташабуси билан чиқишига, уларни ташкил этишига, шунингдек уларда иштирок этишига;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун хужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишига;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишили давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишига;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганини факллари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органларга юборишига;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибидаги юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишига;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишига ҳақлидир.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати субъектлари нафақат муҳим ҳуқуқларга балки, мажбуриятларга ҳам эга бўлиб, уларнинг масъулиятини оширишига хизмат қиласи. Хусусан, жамоатчилик назорати субъектларининг мажбуриятлари қўйидагича белгиланган:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиши;

қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан бўғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларнинг фаолияти учун тўсиклар яратмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камсилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшиша ўйл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш чогида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши ва бошқалар.



Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, қонунда нафакат жамоатчилик назорати субъектлари балки, давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги хукуқ ва мажбуриятлари алоҳида мустаҳкамланган бўлиб, қонунни ҳаётга татбиқ этиш самародорлигини таъминлашга хизмат қиласди. Қонуннинг 16-моддасида давлат органларининг хукуклари белгиланган. Яъни:

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган ётироzlарини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Шунингдек, ушбу моддада уларнинг мажбуриятлари қуидагича мустаҳкамланган: жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши; ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўров-

ларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно; жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиш ва бошқалар.

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда якуний ҳужжат тайёрланиши мумкин. Якуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади. Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқиласди ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу қонун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, жамоатчилик назоратининг хукукий асосларини белгилайди, иккинчидан, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлашга хизмат қиласди, учинчидан, фуқароларнинг мамлакатимизнинг барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш имкониятларини оширади ва тўртинчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фуқаролар ва кенг жамоатчилик олдидағи масъулиятини оширишга хизмат қиласди.

ХУҚУҚИЙ ПЕДАГОГИКА: КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА АҲЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Омонулла
МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос моделини татбиқ қилиши жараёни мамлакатни модернизация қилиши эҳтиёжлари, тараққиётининг устувор йўналишиларига хизмат қилишини назарда тутади. Бу эса тўлиқ равишда олий таълим тизимиға тааллуқли бўлиб, унда жамиятнинг фан ва таълим сифатига талаблари ошаётганлиги, ўқитиши технологияларининг янгиланиб борилаётганлиги, таълим ва илмий мусассаларининг ташкилий ва иқтисодий шароитлари тез суръатда ўзгарётганлиги билан тавсифланади. Шубҳасиз, бу ўринда олий ўқув юрти жамоаларининг ҳозирги замон педагогикасининг энг самарали ютуқларидан унумли фойдаланишилари ҳам муҳим омиллар жумласига киради.

Тарихий манбаларга кўра, олий таълим дастлаб Италияда ўрта асрларда пайдо бўлган бўлиб, унда биринчи университетлар XII-асрга келиб вужудга келган эди. Фақатгина XX-асрга келиб, маҳсус билимлар соҳаси сифатида олий таълим педагогикаси ҳакида сўз юритила бошланди. “Педагогика” сўзининг лугавий маъноси қадимги юончадан олинган бўлиб тарбия санъати деган маънони англатиб, у инсон тарбияси ва таълими тўғрисидаги фан ҳисобланади.



Шуни қайд этиш мумкинки, Шарқ ва Фарбда шаклланган таълим тизимидағи педагогикада ўзига хосликлар мавжуд бўлган. Айниқса, Шарқ алломаларининг асарларида таълим-тарбияга оид дидактик ёндашувлар, устоз ва шогирд муносабатлари, уларнинг маънавий-аҳлоқий фазилатлари хусусида қўплаб маълумотлар келтирилган. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри», «Баҳт-саодатга эришув тўғрисида» каби асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳакида фикр юритади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия - назарий фазилатларни маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишидир, дейди олим.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий томонидан 1481-1482 йилларда ёзилган “Вақфия” асарида илм-



парварлик ва инсонпарварлик ғоялари асосида ҳатто унинг мударрислар ва талабалар моддий таъминотига ғамхўрлик қилганлигини кўрамиз. Хусусан, мазкур асарда мударрисларга ҳар йили икки юз олтиндан маош белгиланганлиги, ҳар ойда икки қопдан буғдор ва арпа ўзининг нонига ва минадиган отининг емига эга бўлгани қайд этилган. Навоий талабаларнинг икки ҳалқа (гурухга бўлиб), бир гурухнинг сонини 11 дан оширганлиги ҳам теран билим олишга мўлжалланган тадбир бўлиб, агар ҳар бир гурухда 20 ваундан ортиқ талаба бўлса, мударрис уларнинг ҳар бирiga етарлича эътибор беролмай қолади деб ҳисоблаган. У талабаларни қобилияти ва яхши ўқишига қараб уч тоифага бўлгани ва уч даражака маош (ҳозирги замон тилида — стипендия) белгилагани ҳам дикқатга сазовордир. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган маърифатпарвар ватандошларимиз Муқимий, Фурқат, М.Беҳбудий ва бошқалар педагогика фанининг ривожланишига катта ҳисса кўшдилар.

Илгари олий ўқув юрти ўқитувчи-сининг лекцияларни ўқиши, ўз фанини яхши билиши ва уни аниқ баён этишининг ўзи кифоя деган фикр кенг тарқалган эди. Ваҳоланки, бошлангич мактаб ҳам, ўрта, ўрта маҳсус ва олий ўқув юрти ҳам асосан ягона мақсад ва

вазифаларни назарда тутиб, олий ўқув юрти уларни бошқа даражада ҳал этади. Улардаги ўхшашликнинг яна бир томони таълим жараёнида икки томон ўрта мактабда ўқитувчи ва ўқувчи бўлса, олий ўқув юртида эса ўқитувчи ва талаба иштирок этади.

Олий ўқув юрти ва ўрта мактабдаги педагогик фаолият инсон меҳнатининг энг мураккаб ва масъулиятли соҳаси ҳисобланади. Маълумки, педагогика олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабани мактаб амалиётини кўллаган ҳолда, унинг бўлажак касбига тайёрласа, хукуқшунос талаба эса педагогик фаолиятга маҳсус ўқитилмайди. У юридик олий юртининг ўқитувчиси бўлгандан сўнг, дастлаб ўз фаолиятида унга қадар ишлаган ўқитувчиларнинг ҳам ижобий ва маълум жиҳатдан камчиликларини ҳам қайд этади. Бу ўринда хукуқшунос ўқитувчи фақатгина ўз фанини билиши етарли бўлмай, балки у ёки бу даражада педагогик маҳорат, педагогик жараён, унинг турли шакл ва услублари, касбий психология ва касбий этикани ҳам яхши тушуниши лозим бўлади.

Юридик олий ўқув юртидаги педагогик жараён ўқитувчининг талаба онги ва хулқ-авторига, унинг келажакдаги меҳнат фаолияти учун зарур бўлган назарий ва амалий касбий билимларини олишга қаратилган режали, тизимли

ва узок муддатли таълим-тарбиявий таъсирини англатади. Шундай қилиб, бундай мұхитдаги педагогик жараён ўқитувчи-талаба муносабатларига асосланған икки томонламали ўзаро муносабатларга қурилған бўлиб, унда юридик таълим юртидаги педагогик жараён икки мұхим, яъни ёш ва аҳлоқий хусусиятларга эга бўлади. Лицей (колледж)ни битириб келган ёш талаба, янги таълим жараёни масканинг мұхитига кириб бориши маълум вактни талаб этади. Бу ўринда талабанинг мұқаддам ўрта махсус ўқув юртида мазкур таълим мұассасасидаги фанларни ўзлаштиришида асосан ўз ўқитувчисининг тўлиқ равишда билим ва тажрибасига таяниб келганигини таъкидлаш ўринли бўлади. Олий ўқув юртининг ўқитувчиси эса ёш талабани ўрта махсус ўқув юртидан фарқли ўлароқ, уни олий ўқув юртидаги махсус фанларни ўзлаштиришида талабанинг ўз устида мустақил ишлаши, яъни ўзининг мустақил билим олиш кўникмасининг шаклланишида мұхим ўрин тутади. Юридик олий ўқув юрти талабани эндиликда шахс сифатида шакллантиради, касбий фаолиятига тааллукли билимлар бўйича таҳсил бериб, унинг келгусидаги

кўп киррали мураккаб меҳнат фаолиятига тайёрлаб боради.

Юридик олий ўқув юртида бошқа олий юртларидан фарқли (масалан, техник ўқув юртидан) ўзининг ахлоқий жиҳатлари билан ажralиб туради. Сабаби мазкур ўқув юртида ахлоқий масалалар алоҳида аҳамият касб этиб, уни битирган талабалар судья, прокурор, терговчи, адвокат сифатида келгусидаги фаолияти давомида кўплаб инсонларнинг тақдириниadolatли ва тўғри ҳал қилишлари туфайли улар юксак инсоний фазилатларга эга бўлишлари ҳам мұхим эканлигини таъкидлаш ўринли. Бу ўринда мазкур олий ўқув юртида маънавий-тарбиявий ишларни талабанинг ўқув юртига қадам қўйган дастлабки кунданоқ, унинг келажакда эгаллаши лозим касбнинг ижтимоий аҳамияти, ўрни ва мураккабликлари хусусидаги масалаларга эътибор қартиш жоиздир.

Сир эмас кўпинча, талабаларда бўлгусидаги касби ҳақида дастлаб бирмунча саёз ва ҳавоий (юзаки) тасаввурлар мавжуд бўлганлиги сабабли, педагогик жамоанинг бу борадаги тизимли ва тўғри ташкил қилинган фаолияти жуда катта аҳамият касб этади. Айниқса, талабаларга таҳсил бериш жараёни-





да касбий эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда йўналтириш, кенг дунёқарашини шакллантириш, уларнинг жаҳон ва милий адабиёт намуналарини билиши (айниқса, ўзбек тили ва хорижий тиллар бўйича олиб бориладиган машғулотларда улардан фойдаланиш), маданият ва санъат асарлари билан танишиши имкониятидан ҳам унумли фойдаланиш зарур бўлади. Муқаддам ҳукуматимиз ташабbusi билан талабаларни театр, музеяларга ташриф этишлари тизимли ташкил қилингандиги шундай хайрли ишлар жумласидандир.

Аммо, юридик олий ўкув юртидаги ўқитувчининг талабага нисбатан педагогик фаолиятидаги марказий масала таълим жараёни ҳисобланиб, унда талабанинг маҳсус билимлар ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришидир. Зеро, лицей (коллеж), ўрта мактабда таҳсил олаётган ёш, асосан, тарих, она тили ва адабиёти, математика каби умумтаълим фанлари билан боғлиқ билимларни олган бўлса, эндиликда талаба олий ўкув юрти ўқитувчисидан аксарият ҳолларда касбий билимларга оид маҳсус ахборотни олиши назарда тутилади. Шу ўринда, мазкур ўкув жараёнида ҳукукшунос талабага қўшимча равишда тарбиявий вазифа, яъни ахлоқий таълимни ўташи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шубҳасиз, олий ўкув юртидаги педагогик жараён таълим ва тарбия муштараклигига, уйғун ҳолда олиб борилади. Президен-

тимизнинг “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди” деган шарқона қарап, шарқона ҳаёт фалсафасига оид фикрлари қанчалик ҳаётий ҳақиқат эканлигини кўрсатиб турибди.

Кўп вақтлар давомида олий ўкув юртида назарий ва амалий билимлар қай даражада, ўкув режасида уларнинг нисбати қандай бўлиши керак, бундай билимларни талабаларга қандай усул ва воситалар орқали етказиш лозим деган баҳслар мавжуд бўлиб келган. Масалан, XIX-асрга қадар, айниқса, тиббиёт олий ўкув юртларида икки ёндашувга асосланган ҳолда таълимнинг ташкил қилингандиги маълум. Хусусан, Францияда талабалар биринчи курсдан охирги курсгача шифокор касбини асосан, госпитал (касалхона) шароитида санитар, ҳамшира, фельдшер ва шифокор ёрдамчисининг кўникмаларини босқичма-босқич ўзлаштириб боргандар. Ўкув жараёни амалий услубларга йўналтирилган бўлиб, назарий лекцияларда эса талабаларнинг фақатгина амалиётда кўрганларини умумлаштириб борилар эди, холос. Бунинг натижасида эса талабалар билимларида назарий бўшликларнинг юзага келишига олиб келарди. Германия тиббиёт олий ўкув юртларида эса бунинг аксини кўриш мумкин эди. Бу ерда кўпроқ талабаларга назарий билимлар беришда назарий билимларга кенг ўрин берилиши туфайли уларда амалий билимларнинг этиш-маслиги сезиларди. XX-аср давомида бу борада яқдил ёндашувга келинмаган. Ҳозирги замон хорижий мамлакатларнинг юридик олий юртларида, масалан, АҚШда ўкув жараёнида талабада кўпроқ амалий кўникмаларни ўзлаштиришига, континентал Европа, мамлакатларида ги ҳамда Буюк Британия университетларнинг юридик факультетлари талабалари томонидан назарий билимларни ўзлаштиришларига алоҳида эътибор қаратилиши билан ажralиб туради.

Юридик олий ўкув юртида таълим жараёнида қўлланиладиган услублар



(метод) хусусида қисқача тўхталсак. Ўқитувчи талабанинг ҳуқуқий фанларни ўзлаштиришида кўллайдиган усул ва йўллар ҳам катта ўрин эгаллади. Шубҳасиз, улар ўқитувчининг талабани у ёки бу юридик фанни мустақил ўзлаштиришига, масалан, ҳалқаро оммавий ва жиноят ҳуқуқи бўйича масалаларнинг ечимини топишга ёхуд лекцияни ўқишидаги тайёр билимларни олишга давват этувчи восита сифатида қўлланилади. Ўқитувчи машғулот туридан келиб чиқсан ҳолда (лекция, семинар, амалий машғулот, case study (кейс-стади), ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва бошқа) ўқитишининг турли усулларидан фойдаланиши мумкин. Машҳур чех педагоги Я.Коменский инсон ҳар қандай билимни яхши ўзлаштиришга қобилияти бор, фақатгина бунга тўғри усулни танлай билиш лозим деб хисоблаган.

Ҳозирги замон таълим тизимида, жумладан юридик таълимда турли усуллар қўлланилади, хусусан:

-таълимнинг энг муҳим анъанавий усулларидан бири бу сўз-тушунтириш усули ҳисобланиб, талабанинг билимларни олишида ўқитувчининг жонли сўзи асосий манба сифатида улкан кучга эга бўлади. Албатта, талаба ҳам ўз ўрнида, семинар машғулотларида ўз маъруза ва чиқишлирида, имтиҳонларда жавоб беришида, ўз илмий раҳбари

билан курс ёки малакавий ишини ёзиша биринчи навбатда сўздан фойдаланади ва унинг касбий нутқини шаклланишида булар катта ахамият касб этади;

-талабанинг фанларни ўзлаштиришида, уни тушунишда, эслаб қолишида, сўровларда фойдаланишида, айниқса кейинчалик, ҳаётда кўллай олишида ўқитишининг кўргазмали усуллари ҳам муҳимдир. Ўқитувчининг машғулот давомида тегишли кўргазмали жадвал, схема ва ҳатто доскада бўр билан кўрсатган ёзуви, криминалистика бўйича ўқув кабинетидаги экспонатлар талаба томонидан яхши қабул қилинади;

-талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигига семинар ва амалий машғулотларда, айниқса унинг ўз маърузалари, тегишли мавзу бўйича вазифа ва топшириқларни ечиши, баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этиши ҳуқуқий воқелик ва ходисаларни ўзлаштиришида “аклий ҳужум”, яъни аклий фаолият руҳи билан бойитилган, ижодий фикрлаш, яъни эвристик усул хисобланади. Бундай усул икки ижобий шаклда амалга оширилиб, яъни, биринчидан, талабага уйга берилган топшириқ ва вазифани семинар машғулотларда ўзининг жавобларини тақдим этган ҳолда таҳлил қилиши, иккинчидан эса ўқитувчи томонидан илгари сурилган муаммоли масалаларни талабанинг мустақил



равишида семинар машғулотларда ўз маъруза ва рефератлари орқали мухокама қилиши билан ажralиб туради;

- талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида амалий машғулотларда маъруза ёки реферат, курс ва малакавий ишларини тайёрлашга йўналтирилган тадқикот усулини ҳам назарда тутади. Бунда талаба ёзма ишни ёзишда унинг режасини тузиш, материалылар тўплаш, уни тизимлаштириш жараёни талабанинг дунёкарашини кенгайтиради, мантикий фикрлашга ундайди.

Таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш усули (ўкув фильмлари, ахборот технологиялари, Интернет ва х.) талабалар томонидан ўкув материалини ўзлаштиришида катта қизиқиши уйготади. Айниқса, криминалистика кафедрасида кўлланиладиган техник асбоб-ускуналар муҳим роль ўйнайди.

Амалий ўқитиш усули ўкув юритдастури ва режаларидаги хукукий фан-

ларни ўрганишда талабаларнинг аудиториядаги машғулотлардан тортиб хукуқ-тартибот идораларида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёнини қамраб олган тадбирларни ўз ичига олади. Бу ўринда олий ўкув юртининг мазкур идоралар билан ҳамкорлиги ўкув жараёни эҳтиёjlари, максад ва вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ўзаро манфаатли ҳамжихатлигида бўлиши мақсадга мувофик.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва хукукий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, юридик соҳанинг ривожланиши таълим тизими мазмунига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Юртимизда хукукий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни, хусусан, давлат қурилишини эркинлаштириш, суд-хукуқ соҳасини либераллаштириш, амалдаги қонунчиликни янгилаб бориш эҳтиёjlари таълим муассасалари олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу эса ўз навбатида хукук шунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаси доимо талаб даражасида бўлишини таъминлаш фундаментал асосга ва мунтазам тизимли кўринишга эга бўлиши лозимлигини такозо этмоқда. Шу боис, юридик таълим ушбу муаммоларнинг самарали ечимларини топиш йўлида изланиб, ўз ички салоҳияти ва имкониятларини кенгайтириб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимидағи ислоҳотларни янги сифат босқичига кўтариш борасида янги вазифаларни белгилаб берди. Ушбу вазифалар юридик таълим соҳасига ҳам тааллуқли, албатта. Юридик соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи сўнгги йилларда алоҳида долзарблик касб этајпти. Зеро, демократик йўналишда янгиланаётган жамият шароитида инсон хукуқларини қатъий таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг хукуқ ҳамда манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг хукукий маданияти ва хукукий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга итот ва ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор мақсад хисобланади.



Баҳодир ИСРОИЛОВ,
Иқтисод фанлари
доктори, профессор

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахслар жавобгарлигини белгилашнинг долзарб масалалари



АННОТАЦИЯ

Автором исследованы причины возникновения коррупции и его последствия и связь коррупции с теневой экономикой.

По результатам исследования даны предложения по установлению и конкретизации ответственности юридических лиц за совершение коррупционных правонарушений, отмывание преступных доходов и финансирование терроризма.

Ключевые слова: Коррупция, теневая экономика, ответственность, юридические лица, правонарушение.

ANNOTATION

Author investigates prime causes of corruption and its outcomes, correlation between corruption and shadow economy.

Due to outcomes of this paper, proposals elaborated on establishing and particularization of responsibilities of legal entities for committing corruption offences, money laundering and financing terrorism.

Key words: Corruption, shadow economy, responsibility, legal entities, law offence.

Дунё иқтисодиётининг ўзаро интеграциялашуви мамлакатлар иқтисодиётини янги технологиилар асосида жадал суръатлар билан ривожланишига хизмат қилмоқда. Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича АҚШ (24,3 %) ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Лекин, халқаро PWC компанияси прогнози бўйича 2050 йилга келиб янги технологиилар ривожланиши ҳисобига дунё иқтисодиёти 2 мартаға ўсиши, Хитой ва Ҳиндистон 1, 2 ўринларни эгаллаши ҳамда Мексика иқтисодиёти ҳозирда дунё иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллаб келаётган Германия ва Буюк Британия каби давлатлардан ўзиб кетиши таҳмин қилинмоқда¹.

Иқтисодий интеграциялашув жараёнлари қайд этилган ижобий жиҳатлари билан бирга жамият ва давлат учун хавфли оқибатларга ҳам сабаб бўлади. Айни пайтда, дунё иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, кишилар яшаш сифатининг ошиши билан бирга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш кўрсаткичларининг

ҳам ўсиши қузатилмоқда. Ушбу тоифадаги ҳуқубазарликлар халқаро характерга эга бўлиб, ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар учун ҳам долзарб бўлган ижтимоий хавфли иллат ҳисобланади.

Шу сабабли БМТ, ОБСЕ, ЕИ ва ФАТФ каби халқаро ташкилотлар томонидан ушбу тоифадаги ҳуқубазарликлар билан курашишга қарши халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Коррупция - давлат хизматчиларининг функционал ёки профессионал вазифаларини тазиيқ ёки ихтиёрий равишда бузиш йўли билан содир этиладиган жиноий ҳаракатларнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Коррупциянинг ижтимоий характерга эга бўлган энг муҳим салбий таъсири ҳам аҳолининг ҳокимиятга нисбатан ишончини йўқолиши ва натижада давлат ҳокимияти ваколатларининг заифлашувида намоён бўлади.

Мамлакат иқтисодий ўсиши ва ривожланишига тўсқинлик қилиш билан бирга, коррупция натижасида жаҳон ҳамда миллий иқтисодиётлар барқарорлигига ишончсизлик ортиб боради. Коррупциянинг иқтисодий ўсишга салбий таъсири биринчи навбатда яширин иқтисодиётда намоён бўлади.

Маълумки, мамлакатнинг ялпиички маҳсулотидаги соя иқтисодининг улуши давлат қонунчилигининг ривожланиш даражаси, солиқ юки ва давлат назорати каби бир қатор омилларга боғлиқ. Бутун дунё бўйлаб, ялпиички маҳсулотда расмий иқтисодий секторнинг улуши ўртacha 5 фоиздан 10 фоизгача баҳоланади³.

Халқаро дипломли ва сертификатли бухгалтерлар ассоциацияси (ACCA) тадқиқотлари натижасига кўра Россияда яширин иқтисодиёт 33,6 триллион рубл ёки мамлакат ЯИМнинг 39 фоизини ташкил қиласи. Бу дунё бўйича тўртинчи ўринни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, биринчи учта мамлакат Озарбайжонга (ЯИМнинг 67%), Нигерия (48%) ва Украина (46%) ҳисобланади. Яширин иқтисодиётни ялпиички маҳсулотдаги миқдори даражаси АҚШ (ЯИМнинг 7,8%), Япония (10%) ва





Хитой (10,2%) давлатларида минимал миқдорни ташкил этган⁴.

Шубхасиз, ривожланишнинг демократик йўлини танлаган барча мамлакатлар коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиб учун умумий халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик ҳақида келишиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Коррупция даражасини қисқартиришга қизиқиш кўрсатаётган халқаро ташкилотлар айрим олинган давлатлар ва дунё бўйича коррупцияни минималлаштириш юзасидан хуқуқий, ташкилий ва техник механизмлар билан коррупцияга қарши курашнинг маҳсус воситаларини таклиф қиладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Евropa Кенгаши, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти ҳамда Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашиб йўлларини ишлаб чиқиш ҳамда аъзо мамлакатлар томонидан кенг қўллаш бўйича тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиб юзасидан кенг кўламли

тадқиқотлар Халқаро Галлуп институти, Базель қўмитаси, ИНДЕМ фонди ва «Транспаренси Интернешнл»халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан ҳам олиб борилмоқда.

Иқтисодий интеграллашув жараёнида коррупция ҳолатларининг корпоратив секторда ҳам ўсиши кузатилмоқда. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқ-бузарлар ҳолатлари таҳлили уларни бизнес манфаатлари мақсадида содир этиш ўсгаллигини кўрсатмоқда. Бизнес мақсадларида содир этилаётган коррупциянинг кўпайишига мамлакатнинг табиий ресурсларга бойлиги, давлат иқтисодиётининг табиий ресурсларнинг экспортига боғлиқлиги, давлат органлари фаолиятининг шаффоғлилик, давлат хизматчисини ижтимоий таъминлаш, ҳимоялаш ва ҳуқуқ-бузарлар учун қонунчиликда белгиланган жазо даражаларига боғлиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши ёки камайиши фуқароларнинг коррупцияга бўлган муносабатлари, яъни муросасизлигиги ёхуд бефарқлигига ҳам боғлиkdir.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича ўтган икки йил мобайнида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни [5] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сонли қарори [6] қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури ва “Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларро комиссияси тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-

катлар стратегияси”да “коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш” муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган [7]. Ушбу меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги вазифалар учун дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Фикримизча, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар кўламига қарамасдан ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар кўп. «Транспаренси Интернейшнл» халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра 2017 йил якунлари бўйича 180 мамлакат ўртасида Қозогистон 122, Россия ва Қирғизистон 135 ва Ўзбекистон 157 ўринни эгаллаган. [2].

Халқаро компания томонидан эълон қилинган ушбу рейтинг маълумотлари мамлакатимизда коррупциянинг олдин олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этиш йўлларини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказиш ҳамда мавжуд муаммолар ечимига оид зарур таклифлар ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Коррупция жиноятларининг иқтисодиётга таъсири бўйича Россия олимларининг тадқиқот натижалари иқтисодиётга коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар оқибатида тўғридан-тўғри йилига 20 дан 40 миллиард долларгача зарар етказишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, коррупция капиталнинг четга чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Капиталнинг четга чиқиб кетиши эвазига Россия иқтисодиётининг билвосита йўқотишлар ҳажми йилига тахминан 20-25 миллиард долларни ташкил этмоқда. Коррупция ҳуқуқбузарликлари оқибати-





да иқтисодий йўқотишнинг ўртача умумий даражаси Россия ЯИМнинг қарийб 2,5 фоизини ташкил қилмоқда.

Коррупцияга оид ҳуқубузарликлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси юзасидан Гарвард университети олимлари томонидан коррупция маҳсулот ва хизматларнинг нархини 5-15 фоизга оширади ва давлат харидлари бўйича ҳар йили бюджетга барча мақсадли бюджет харажатлари миқдорининг тахминан 30 фоизи даражасида зарар етказилади, деган хulosага келинган [7].

Коррупция ҳолатларининг таҳлили ушбу турдаги жиноятларнинг аксарият қисми юридик шахслар билан боғлиқ ва улар манфаатларини кўзлаб содир этилганлигини кўрсатмоқда (масалан, давлат танловларида голиб бўлиш, давлат харидлари учун маҳсулот етказиш ва шу кабилар).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”нинг 26-моддаси конвенцияда иштирок этувчи давлат зиммасига юридик шахсларни коррупцияга алоқадор жиноятларда иштирок этишлари учун қонуний равишда жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан зарур чоралар кўришни белгилаш вазифасини юклайди. Бундай жиноятлар учун жавобгарлик ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ иштирокчи-давлат қонунларида белгиланган жиноий, фуқаровий ёки маъмурий жазо бўлиши мумкин. [10]

Коррупцияга оид жиноятлар учун юридик шахсларни жавобгарликка тортишга доир қонун меъёрларини амалга киритиш жараёнлари ўтган асрнинг 80 йилларида бир қатор мамлакатларда янги жиноят кодекслари қабул қилиниши муносабати билан бошланган. Масалан, юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш 1976 йилдан Голландияда, 1991 йилдан Норвегияда, 1992 йилдан Францияда, 1995 йилдан бошлаб Америка Кўшма Штатлари, Финляндияда, 1997 йилдан Канада, Хитойда, 1999 йилдан - Руминия, Словенияда, 1998 йилдан бошлаб - Дания, Истроил, Ирландия, Исландияда, 2001 йилдан Бельгия, Венгрияда 2002 йилдан Польшада, 2003 йилдан Швейцарияда тартиби жорий этилган.

Ҳозирги кунда коррупцияга оид жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ амалиёт дунёнинг 70 дан ортиқ давлатлари қонунчилигига мавжуд [7].

Бироқ, БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясида жиноий жавоб-

гарлик юрисдикция белгиланишига қарамасдан, миллий даражада, ушбу қоидаларни ҳақиқий амалга ошириш МДҲ мамлакатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 27-моддасида «Юридик шахслар коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади» деб таъкидлайди. Бироқ, фуқаролик, маъмурий ва жиноий қонунчиликда коррупцияга оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш учун юридик шахслар жавобгарлиги белгиланмаган.

Тадқиқотлар жараёнида Қирғизистон (96-модда), Ўзбекистон (53-модда) ва Россия Федерацияси (61-модда) Фуқаролик кодексларининг юридик шахсларнинг тугатилиши билан боғлиқ нормалари таҳлил қилинди. Ушбу моддаларда коррупция ва жиноий даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун юридик шахсларни тугатиш масалалари белгиланмаган.


Худди шундай ҳолатларни маъмурий ва жиноий кодексларда ҳам кузатиш мумкин.

Россия Федерацияси қонунчилиигига кўра (25.12.2008 йилдаги 273-ФЗ -

сонли қонун 14-моддаси) юридик шахс номидан ёки унинг манфаати учун коррупция ёки коррупцияга оид жиноятлар содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган ташкилот, коррупция ёки жиноятларга тайёргарлик кўриш ва уни бажариш учун Россия Федерацияси қонунларига мувофиқ юридик шахсга нисбатан жавоб чоралари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу модда меъёрида юридик шахсни жавобгарликликка тортиш жисмоний шахсни жавобгарликдан озод қиласлик ва мазкур қоидалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хорижий юридик шахсларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин, Россия Федерацияси қонунчилиги меъёрлари юридик шахсларга нисбатан коррупция жиноятлари учун фақат маъмурий ва фуқаролик жавобгарлик белгиланишини назарда тутади.

Қайд этилганлар коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида юридик шахсларнинг коррупция жиноятлари учун жавобгарлигини белгилашга оид миллий ҳукукий меъёrlарини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси” ва ҳукуқни қўллашнинг ҳалқаро стандартларга мослаштириш зарурлигини кўrsатмоқда.

Юқорида таъкидланганларга асо-



сан юридик шахсларнинг коррупция жиноятлари учун жавобгарлигини белгилаш мақсадида қўйидагилар таклиф қилинади:

- фуқаролик қонунчилигига коррупцион ҳатти-ҳаракатлар учун юридик шахсларга турли санкциялар қўллаш (фаолиятни чеклаш, молиявий санкциялар, коррупция ҳолати билан боғлик даромадларни бюджетта ундириш, рухсатнома ва лицензиялардан маҳрум қилиш ва ҳоказолар) ва уларни тугатиш бўйича жавобгарлик меъёrlарини киритиш;
- жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги жиноятлар учун, шу жумладан, шубҳали молиявий ва бошқа битимлар тўғрисида юридик шахсларнинг ахборотларини яшириш учун юридик шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлигини белгилаш;
- ФАТФ ва унинг таркибий тузилмалари ўртасида тезкор маълумотлар алмашиб механизмини йўлга қўйиш.

Фикримизча, коррупция, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги қўйидаги турларда бўлиши зарур:

- молиявий санкциялар;
- коррупция ҳолати билан бевосита ёки билвосита боғлик даромадларни бюджетта ундириш;
- маъмурий жарима;
- айрим фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялардан маҳрум қилиш;
- юридик шахсни тугатиш.

Юридик шахсларга нисбатан юқорида кўрсатилган жавобгарлик чора-ларини жорий этиш коррупцион жиноятларнинг олдини олиш, коррупция хатарларини камайтиришга ва яширин иқтисодиёт улушкини камайтириш ҳамда мулқдорлар ва бошқарув ходимлари жавобгарлигини ошириш учун хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://golos.io/>.
2. <https://www.transparency.org>.
3. К.В.Привалов. Теневая экономика. Теорико-правовой аспект. Учебная пособия. Санкт-Петербург, Издательство СП Политехнического университета, 2012 г.
4. <https://m.business-gazeta.ru/news/>.
5. Ўзбекистон Республикасинин «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 9 январь, 1-сон, 2-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сонли Қарори. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 6 февраль, 5-сон, 62-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
8. http://www.u.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml
9. Российская газета, 2010 г. 15 октября.
10. Резолюция № 58/4, БМТ 58-сессияси, 51 пленар йиғилишида қабул қилинган. 31 октябрь 2003 йил, Нью-Йорк.
11. Б.И.Исмаилов. Правовые аспекты ответственности юридических лиц за совершение коррупционных правонарушений, Сборник НПК, 27 апреля 2018 г, ст. 13.



Файбулла АЛИМОВ,

Юристлар малакаси-
ни ошириш маркази
кафедра мудири, ю.ф.н.,
доцент

Мұстақил Давлатлар Ҳамдүстлиги мамлакатларида коррупцион қилмишлар үчүн юридик шахслар жавобгарлигининг айрим хүсусиятлари

Жиноий антикоррупцион
чоралар билан боғлиқ күплаб
масалалар халқаро ва миллий
қонунчиликта етарли даражада
ўрганилган, таҳлил қилинган.
Аммо, маълум бир муаммоли
йўналишлар мавжудки, бу
йўналишлар юзасидан сиёсий
қарорлар қабул қилувчи, ҳуқуқ-
ни муҳофаза қилувчи органлар,
судлар академик доиралари
ва бошқа мансабдор шахслар
учун бир мунча қийинчиликлар
келтириб чиқаради. Булар
қаторига бир неча коррупцияга
қарши кураш юзасидан қабул
қилинган турли халқаро ҳуж-
жатларга қўшилган (масалан,
Коррупцияга қарши кураш
бўйича БМТ, Европа Иттифоқи,
Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ри-
вожланиш Ташкилоти (кейинги
ўринларда ИХ ва РТ)нинг кон-
венциялари) бир қанча, шу
жумладан, МДҲ давлатларини
ҳам келтириб ўтсак мақсадга
мувофиқ бўлади.



Мазкур давлатларда коррупциянинг крими-
наллашувига қарши қаратилган күплаб ислоҳот-
лар амалга оширилган бўлишига қарамасдан,
у ерда ҳукм сураётган консерватив одатлар,
ҳуқуқий воқелик кўпгина ҳолатларда амалдаги
қонунчилик нормалари бузилишига ва қонун-
нинг самарадорлигини оширишга жиддий тўсиқ
бўлиб қолмоқда. Ушбу мамлакатларда қабул
қилинаётган коррупцияга қарши курашга қара-
тилган қонун ҳужжатлари турли сабабларга кўра
ижроси амалда кўлланилиши таъминланмаяти,
бунга сабаб, айрим ҳолларда сиёсий иродан-
нинг етишмаслиги, раҳбарий кўрсатмаларнинг
ва маълумотнинг етишмаслиги, шунингдек,
уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ
маблағ назарда тутилмаганлиги каби ҳолатлар
бўлиб қолмоқда. Ундан ташқари, содир этилган
коррупцион қилмишлар схемаларининг тобора
муракаблашуви ва улар билан боғлиқ жиноят-
ларнинг турли соҳаларда содир этилиши ҳам
маълум қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Ушбу
ҳолатлар тергов, прокурор ва суд органлари то-
монидан қонунларни қўллашда жиддий қийин-
чиликларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда барча дунё мамлакатлари иқтисодиёти ҳам миллий, ҳам халқаро даражада юридик шахслар орқали фаолият юритади. Юридик шахслар сифатида аксарият ҳолларда хусусий тадбиркорлар эмас, давлат харидлари соҳасида ўзаро рақобатда бўлган, фаолияти учун зарур бўлган рухсатномалар олиш учун назорат қилувчи давлат органлари билан кураш олиб борувчи турли тижорат компанияларидир. Транспорт, қурилиш, телекоммуникациялар, фойдали қазилмалар, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа турли соҳалар йирик корпорация ва компаниялар томонидан назорат қилинади ва улар ўз фаолиятларини глобал миёсда олиб борадилар. Шу боис, реал вазиятда юқори даражадаги коррупция юридик шахсларнинг манфаатларига хизмат қиласди. Бундай ҳолатда, жиноий таъқибни фақат жисмоний шахслар учун белгиланиши назаримизда нотўғри бўлади, чунки жазонинг фақат жисмоний шахслар учун белгиланиши, гарчи улар олий даражадаги мансабдор шахс бўлса ҳам корпорация ва компанияларнинг жиноий хоҳишлари ва коррупцияни камайтириш учун етарли тийиб турувчи омил ҳисобланмайди.

Ундан ташқари, бундай катта корпорация компанияларда бошқариш тизимишининг мураккаблиги, қарорларнинг коллегиал тартибда қабул қилиниши юридик шахсларни таъқиб қилиш, жиноятларни фош қилиш имкониятларини қийинлаштириб қўяди. Жиноят иштирокчилари ва бажарувчилари жиноий қарорлар коллегиал тартибда қабул қилингандигини эътироф қилиб, шу йўл билан жавобгарликдан қутилиб қолишади.

Ушбу мақолада социалистик ўтмиши ва миллий қонунчилик тизими Ўзбекистон Республикасига яқин бўлган қонунчилик тизимга эга бўлган СССР деб аталган ягона давлат таркибига кирган собиқ иттифоқдош республикалар қонунчилигига коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларни жавобгарликка



тортишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади, зеро мазкур мамлакатларда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қонунчиликка киритилиши кейинги бир неча йилларда амалга оширилган.

Юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун жавобгарлик масаласида жиҳдий тадқиқотларни Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти ўтказган бўлиб унинг натижаларидан мазкур илмий мақолада фойдаланилди. Ушбу халқаро ташкилотнинг маълумотларига кўра, юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарликни назарда тутувчи Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари ҳам кириб, бу мамлакатларнинг сони 17 тани ташкил этади. Уларнинг аксарияти, яъни 12 тасининг қонунчилигида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Болгария ва Россия қонунчилигига эса маъмурий жазолаш тизими, Озарбайжон, Латвия ва Украинада эса юридик шахсларнинг квазижиной жавобгарлиги белгиланган¹.

Болгарияда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи Болгария Республикасининг “Маъмурий ҳуқуқ-бузарликлар ва жазолар тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солиниб, унда тегишли қоидалар тартиби келтириб ўтилган².

Россия Федерациясининг “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги² қонуни ва Россия Маъмурий ҳуқуқ-бузарликлар тўғрисидаги кодексининг 19, 28-моддаси юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун маъмурий жавобгарликни белгилайди. Ушбу тартибга кўра юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун прокурор иш қўзгатади, суриштирув ишларини амалга оширгандан кейин судга беради ва маъмурий суд ушбу ишларни мазмунан кўриб чиқиб, тегишли қарор чиқаради³.

Латвия Республикасида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу ҳолат Латвия Жиноят кодекси Умумий қисмининг маҳсус бобида назарда тутилган⁴. Ушбу ЖКда юридик шахслар қилмишларига нисбатан қўлланиладиган чоралар жазо сифатида эмас, балки “мажбурий чоралар” деб номланиб, ЖКда рўйхати келтирилган қилмишларни юридик шахс номидан содир этган ёки маълум оқибатларга сабаб бўлган қилмишлар етарли дараҷада назорат қилинмаганлиги оқибатида юз берган бўлса жавобгарликни назарда тутади⁵.

Латвия Жиноят-процессуал кодексида эса прокурор томонидан юридик шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатишнинг процессуал тартиби келтириб ўтилган, чунки юридик шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш асослари ва унинг тартиби тўғрисидаги қоидалар жиноят-процессуал қонун нормалари билан тартибга солиниб, у ерда юридик шахснинг ноқонуний ҳаракатлари квазижиной ҳаракат сифатида квалификация қилиниши кўрсатилган.


Худди шундай юридик шахслар жавобгарлиги тартиби Озарбайжон Республикаси қонунчилигига ҳам мавжуд бўлиб, унда “жиноий-ҳуқуқий



мазмундаги чоралар” юридик шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин, қачонки юридик шахс томонидан ёки унинг манфаатлари йўлида қилмиш содир этилган бўлса⁶. Озарбайжон Жиноят-процессуал кодексида эса юридик шахслар жавобгарлигининг процессуал тартиби ҳам худди Латвиянига ўхшайди.

МДҲ давлатлари миңтақасида юридик шахсларнинг коррупцион жиноятлар учун жавобгарлиги энг охири бўлиб, ҳозирча Украинада қабул қилинган, у 2014 йилнинг апрель ойида Украина Олий Радаси томонидан тасдиқланган Украина Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун⁷ орқали киритилди. Худди ўша Қонун билан юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарликка тортишнинг процессуал тартиби Украина Жиноят-процессуал кодексига ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро хукуқнинг тенг хукуқли субъекти сифатида ўз қонунчилигига юридик шахсларнинг коррупцион қилмиши учун жавобгарликни белгиловчи хукуқий нормаларни киритиш арафасида туриди. Шу муносабат билан юқорида қисқacha келтириб ўтилган МДҲ мамлакатларининг бу соҳадаги қонунчилиги албатта чукур ўрганилиши ва уларнинг ижобий жиҳатлари янги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топса ажаб эмас.



Фойдаланилган адабиётлар:

1 Ст.83а, параграф 1, Закона Болгарии об административных правонарушениях и наказаниях.

2 Россия Федерациисининг 2008 йил 25 декабрдаги ФҚ-273-сонли “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги қонуни.

3 Россия Федерацииси Маъмурий хукукбизарликлар тўғрисидаги кодеси ва ИХ ва РТнинг хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг халқаро тижорат ишларида порахўрликка қарши курашиб ишчи гурӯхининг 2-босқичи материаллари, 79-80 –Б.

4 Глава VIII1, статья 7011, Уголовного закона Латвии.

5 ИХ ва РТнинг хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг халқаро тижорат ишларида порахўрликка қарши курашиб ишчи гурӯхининг 1-босқичи материаллари, 37§, 11 –Б.

6 Озарбайжон Республикаси ЖКК. -Б.30,

7 Украинанинг “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонуни. 2014 й.



Сайд ИШАНХОДЖАЕВ,
ЖИДУ докторанти

Ўзбекистоннинг меҳнат миграциясини тартибга солишга оид икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорлиги

Ўзбекистоннинг меҳнат миграцияси соҳасига оид ҳамкорлиги ҳақида сўз юритадиган бўлсак, фикримизча уни уч гурухга бўлиш мақсадга муовфикадир.

Биринчи гурух, универсал, субъ-минтақавий ва минтақавий ташкилотлар билан ҳалқаро ҳамкорлиги.

Иккинчи гурух, ихтисослашган ташкилотлар билан ҳалқаро ҳамкорлиги.

Учинчи гурух, икки томонлама давлатлараро ҳамкорлиги.

Универсал ҳамкорлик ҳақида гапирганда, БМТ Уставининг 1–модда, 3–бандига мурожаат қилиш орқали кўришимиз мумкин, унда "... иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги ҳалқаро муаммоларни ҳал этишда ҳамда инсон ҳукукларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш», мақсади кўзда тутилиши кўрсатиб ўтилган. Албатта, инсон ҳукукларини ҳурмат қилиш принципи 1975 йилги Хельсинки Якунлов-

чи актида ўзининг яна бир ҳалқаро ҳукуқий асосини топди. Шу билан бирга қайд этиш керакки, БМТ Устави ва ЕХҲК (ҳозирда ЕХҲТ)нинг ушбу Якунловчи акти бугунги кунда инсон ҳукуклари соҳасида, жумладан меҳнаткаш-мигрантлар ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўп микдордаги ҳалқаро ҳужжатлар базасининг яратилишига асос бўлди. Ҳалқаро ташкилотлар ва улар доирасида ҳалқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши муайян соҳада вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш учун давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш шаклларидан ҳисобланади. Фикримизча, ҳалқаро миграция соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик деганда, ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлар томонидан меҳнат миграция жараёнини ўзаро манфаатли кўп томонлама тартибли бошқаришдаги иштирок этиши ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг универсал ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги соҳасида фикр юритганда, бу ҳамкорлик жуда ҳам қизғин кетмоқда, деб айтиш қийин. Мамлакатимиз-

нинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиги кўп соҳаларда ижобий ривожланаётгани ҳолда, меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги механизмлар билан ҳамкорлиги суст бормоқда. Шу билан бирга, бу соҳада кўриб чиқилган асосий ҳужжатларга, жумладан, 1990 йилдаги Барча Меҳнаткаш-мирантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон ҳали қўшилгани йўқ.

Фикримизча, ишчи кучи бўйича донор давлат сифатида Ўзбекистоннинг ушбу ҳужжатга қўшилиши муҳим. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлиги нисбатан яхши ривожланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ХМТнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашда ижобий натижаларга эришишга қаратилган асосий конвенцияларига қўшилган. Жумладан, мамлакатимиз Кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисидаги 97-конвенцияга, Кўчиш соҳасида суиистеъмолликлар ҳамда кўчманчи-меҳнаткашларга имкониятлар ва муомала тенглигини таъминлаш тўғрисидаги 143-конвенцияга қўшилган. Аммо, алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу ташкилот билан ҳамкорлик кўпроқ мамлакатнинг ичida фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаб бериш масалаларига қаратилган. Меҳнат миграцияси, меҳнаткаш-мирантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалар ва амалий ишларнинг кўлами ва самарадорлиги эса етарли эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Халқаро миграция ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо, Ўзбекистон ҳали ушбу ташкилотга аъзо бўлгани йўқ. Шунга қарамай, Ташкилот одамлар савдо-сидан жабр кўрганларни ўз ватанига қайтариш ва реабилитациясига

ёрдам бериш, одамлар савдо-си миаммолари бўйича жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини ошириш, одамлар савдо-сининг олдини олиш ва жазолашга оид дастурларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмаклашиш, шунингдек, миграцияга дахлдор бошқа масалалар, жумладан, меҳнат миграцияси масалалари борасида мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Ушбу ташкилот мамлакатда ўз лойиҳаларини кўпроқ нодавлат ташкилотларни жалб этиш орқали амалга оширмоқда. Халқаро миграция ташкилоти билан Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб боришига Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 февраль куни фармони билан 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта

**Бугунги кунда
Ўзбекистон ХМТнинг
инсон ҳуқуқларига
риоя этилишини
таъминлашда ижобий
натижаларга
эришишга қаратилган
асосий конвенцияларига қўшилган.
Жумладан, мамлакатимиз Кўчманчи
меҳнаткашлар тўғрисидаги 97-конвенцияга,
Кўчиш соҳасида
суиистеъмолликлар ҳамда кўчманчи-меҳнаткашларга
имкониятлар ва
муомала тенглигини
таъминлаш тўғрисидаги 143-конвенцияга қўшилган.**





устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаши мухим асослардан бири бўлди. Стратегиянинг тўртинчи йўналиши “ижтимоий соҳани ривожлантиш”га бағишланган. 2017 йилнинг тўртинчи чорагида “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш манфаатдор вазирликларга (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, ИИВ, Молия вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, ЎзННТМА) юклатилган эди. Унда, меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарининг асосий фаoliyat йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича чора-тадбирларни назарда тутади. Фикримизча, “Меҳнат миграция тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, БМТнинг 1990 йил 18 декабрда қабул қилинган “Барча Меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуqlарини

ҳимоя қилиш” тўғрисидаги конвенцияга қўшилишимиз жараёнини осонлаштиради. Ушбу конвенцияни асосан меҳнаткаш-мигрантларни қабул қилувчи давлатлар эмас, балки етказиб берувчи биз каби давлатлар имзолаган.

2018 йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Ҳалқаро миграция ташкилоти (ХМТ) бош директори Уильям Свинг бошчилигидаги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. ХМТ бош директори У. Свинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига амалга оширилаётган исплоҳотларга хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросига юксак баҳо берди. Учрашувда мигрантларга ёрдам кўrsatiш, миграция оқимини тартибга солишининг ҳуқуқий механизmlарини ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ўзбекистон билан ХМТ ўртасидаги муносабатлар муҳокама қилинди. 2016 йилдан буён Ўзбекистонда одам савдоси ва экстремизмга қарши курашиш соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Ҳалқаро миграция ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикасида ушбу ташкилотнинг ваколатхонаси очиш мақсадга мувофиқ. Ҳалқаро миграция ташкилотининг имкониятларидан одамлар савдосига оид чораларни молиялаштиришигина эмас, балки унинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини ташки миграциясига оид масалаларга жалб этиш, ташкилот экспертларини миграция соҳасидаги қонун ижодкорлиги жараёнига жалб қилиш, ноқонуний миграция жабрдийдаларини ватанига қайтариш масалаларида ташкилот воситачилигидан фойдаланиш айни муддао бўлар эди.

2018 йил 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Ҳалқаро миграция ташкилоти (ХМТ) бош директори Уильям Свинг бошчилигидаги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

лаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича чора-тадбирларни назарда тутади. Фикримизча, “Меҳнат миграция тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, БМТнинг 1990 йил 18 декабрда қабул қилинган “Барча Меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуqlарини

Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ва унинг аъзо-давлатлари ўртасидаги Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим 1996 йил 21 июнда имзоланиб, ЕИ давлатлари томонидан 1999 йилнинг июлида ратификация қилинди. Ушбу битимнинг меҳнат-миграция соҳаларига оид нормалари таҳлил этилганда, уларнинг такомиллаштирилиши талаб этилади. Чунки, унинг нормаларида:

- Меҳнат-миграциясига тааллуқли, меҳнаткаш-мигранлар хукуқларини қамраб олувчи хукуқий мақом хақида тўхталиб ўтилмаган.

- Битимда, алоҳида аҳоли миграциясининг хукуқий асослари ёритиб берилмаган.

- Миграция соҳасини тартибга солишга қаратилган, виза режимини соддалаштирилган тизимини ўрнатиш акс этмаган.

Фикримизча, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларни қамраб олган ушбу ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Ҳамжамиятига аъзо давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчиликнинг янада янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон МДҲ доирасида миграция соҳасида, хусусан, аҳолининг меҳнат миграцияси масалалари бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон МДҲнинг тўла хукуқли аъзоси сифатида МДҲ давлат бошликлари томонидан 1992 йилда қабул қилинган “МДҲ фуқаролари унинг аъзолари худудида визасиз ҳаракатланиши тўғрисида”ги Битимнинг аъзоси ҳисобланади. Унга кўра, Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқаролари унинг худуди бўйлаб эркин ҳаракатланиши мумкин. Ушбу битим собиқ совет республикалари худудида меҳнат миграцияси имконият-

ларини таъминлаб беради. Ҳозирги вақтда жамият криминаллашувининг ошиб бориши ва қатор давлатларда сиёсий аҳволнинг бекарорлиги ушбу битимнинг кучи йўқолиб боришига сабаб бўлмоқда. Визали режимни Туркманистон (1998 йили), Тожикистон (2000 йили), қисман Россия, хусусан 2000 йилнинг декабрида Грузия киритди.

Ўзбекистон миграция ва у билан боғлиқ масалалар бўйича, кўп томонлама шартномаларда ҳам иштирок этмоқда. 1994 йилнинг июль ойида Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Ўзбекистон “Миграция соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Меморандумни имзолади. Ушбу муҳим ҳужжат Марказий Осиёда кўшни мамлакатлар аҳолисининг, айниқса, Қозоғистон билан миграцияси жараёнлари катталиги билан ҳам аҳамиятлиdir.

Меморандумда аъзо-давлатларнинг улардаги меҳнат потенциалидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги интеграцияни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Унда бу масалаларни миграция соҳасида биргаликдаги ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш воситасида ҳал этиш кўзда тутилган ва бу мамлакатлар ҳукumatларига миграция масалаларида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш топширилган.

Ушбу ҳужжатнинг ижро этилиши учун 1997 йил март ойида “Миграция соҳасида ҳамкорлик дастури” қабул қилинган. Ушбу дастур доирасида учала давлат меҳнат миграциясига кўмак берибина қолмай, балки ушбу мақсадлар ва мажбуриятларни амалга ошириш бўйича,

Ўзбекистон МДҲ доирасида миграция соҳасида, хусусан, аҳолининг меҳнат миграцияси масалалари бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этмоқда.

**Хусусан, 2015 йил
4 октябрдаги Россия Федерал миграция хизматининг маълумотига кўра, 2,029,939 та ўзбекистонлик фуқаролар Россияда рўйхатга олинган, шу жумладан 375,437 нафар аёллар ва 1,654,508 эркакларни ташкил этган. 2017 йил 19 марта даги Россия Федерацияси давлат федерал статистика хизматининг маълумотига асосан, 60977 та ўзбекистонлик фуқаролар Россия Федерация худудига расмий кириб келишган.**

сентябрда ноқонуний миграцияга қарши туриш тўғрисидаги МДҲ аъзо давлатлари ҳамкорлиги концепцияси имзоланди.

масалан, меҳнат миграцияси бўйича қонунларни унификация қилиш, нафақаларни ўтказиш масалаларини ҳал қилиш каби муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар. Ушбу қарордан келиб чиқадиган муҳим ташкилий ишлардан бири миграция вий жараёнларни бошқариш бўйича Минтақавий марказни (Бишкек шаҳрида) тузиш бўлди. Ушбу марказ аҳоли миграцияси масалалари билан шуғулланувчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, учта давлатнинг бу соҳадаги ишлари бўйича тажриба алмасиши борасидаги ҳракатларига ёрдам бериши керак бўлган муҳим механизmdir. Аммо, бу механизм самарали ишламаяпти.

Яна бошқа бир хужжат - Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон томонидан 1997 йилнинг июлида қабул қилиниб, имзоланган, ушбу давлатлар ўртасида меҳнат миграциясини тартибга солиш бўйича қатор муайян чора-тадбирларни ўз ичига олувчи “Аҳолининг кўчиш жараёнларини бошқариш тўғрисида”ги Битимдир. Шунингдек, 1998 йил 6 марта “Ноқонуний миграцияга қарши курашда МДҲ аъзо давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим, 2004 йил 16

Аммо, юқорида кўриб чиқилган МДҲ, Марказий Осиё доирасида қабул қилинган хужжатлардан ушбу минтақалардаги миграция масалаларини, мазкур макондаги меҳнаткаш-мигрантлар хуқуqlари билан боғлиқ масалаларни ечишда самарали фойдаланилмоқда, деб айтиб бўлмайди. Мазкур хужжатларнинг ишлаш механизmlари самарали эмас.

Мамлакатимизнинг меҳнаткаш-мигрантлар хуқуqlарини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлиги универсал ва минтақавий ҳамкорлик билан бирга, муайян давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари орқали ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, анъанавий ўтмишда бир маконда бўлган Россия Федерацияси билан миграция соҳасига оид икки томонлама ҳамкорлигига тўхталиб ўтамиз. Хусусан, 2015 йил 4 октябрдаги Россия Федерал миграция хизматининг маълумотига кўра, 2,029,939 та ўзбекистонлик фуқаролар Россияда рўйхатта олинган, шу жумладан 375,437 нафар аёллар ва 1,654,508 эркакларни ташкил этган. 2017 йил 19 марта даги Россия Федерацияси давлат федерал статистика хизматининг маълумотига асосан, 60977 та ўзбекистонлик фуқаролар Россия Федерация худудига расмий кириб келишган. Россия марказий банкининг маълумотларида 2017 йили 3,9 млрд долларни ўзватанларига банк тизимлари орқали ўтказишган. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 42% юқори ҳисобланади. Юқоридаги маълумотларга асосан, Россия Федерациясида меҳнат миграцияси юқорилигини кўришимиз мумкин. Ушбу жараённи тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузурида Меҳнат миграция агентлигига юклатилган. Агентликнинг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Масалан, 1995-

2017 йиллар оралигига шартнома асосида бор йўғи 52 нафар Ўзбекистон фуқароси Россияга ишлаш учун юборилганлигига қандай изоҳ бериш мумкин. Сабаби, Агентлик ўз фаолиятини тўлиқ монополлаштириб олганлигига. Тўғри, олдинги ҳолатга нисбатан силжишлар кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига ташрифи давомида Ўзбекистон ва Россия Президентлари ҳамда тегишли вазирликлар ўртасида ташкиллаштирилган тартибда кенг кўламли ва самарали меҳнат миграциясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан Келишувлар имзоланди. Ушбу келишувларга асосан, Меҳнат муҳожирларини ҳуқуқий рағбатлантириш Ассоциацияси билан Агентлик ўртасида тузилган шартнома доирасида Ассоциация томонидан тақдим этилган талабномалар бўйича 29-30 июнь кунлари 344 нафар тикувчилар ўртасида танлаб олиш жараёни ўтказилиб, 156 нафар тикувчи танлаб олинди. Уларни июль ойида Россияга жўнатиш режалаштирилди. Ёки фуқароларимиз яқин қариндошларининг таклифига кўра, тўғридан-тўғри иш берувчи билан меҳнат шартнома ёки ёлланма ишчи сифатида фаолият олиб боришмоқда. Келтирилган маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, норасмий меҳнат миграция ҳолатининг юқори эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Жанубий Корея Республикаси билан ҳам ташкилий ҳам ҳуқуқий жиҳатдан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин. 1995-2017 йиллар оралигига 46806 нафар фуқаромиз Агентлик томонидан жўнатилган. 2017 йил 1350 нафар фуқароларимиз Жанубий Кореяга меҳнат шартномаси асосида юборилган. Умуман олганда, 1995 йилда ташкил этилган Агентлик фаолиятини самарали деб

бўлмайди. Биринчидан, ҳозирги кунгача хориждаги шериклар сонининг камлиги, иккинчидан, агентлик томонидан фақат ишчи кучи миграциясига эмас, балки юқори малакали мутахассислар миграциясига ҳам эътибор етарлича қаратилмаган. Учинчидан, меҳнаткаш-мигрантларни реиммиграция қилганларидан сўнг, улар меҳнатидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган. Тўртинчидан, ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, трансмиллий компаниялар билан меҳнат миграциясига оид ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.
2. БМТ, ХМТ, ЮНЕСКО, Европа Кенгаси каби универсал ва минтақавий ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тўғрисида қўйида ҳамда кейинги параграфларда батафсил тўхталиб ўтамиш.
3. Батафсил маълумотлар учун қаранг: Хамидова А. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлигининг ҳалқаро-ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид. фанл. номз. дис. ... автореф. – Тошкент: ЖИДУ, 2008. –23 б.
4. Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане / Отв. ред. А.Х.Сайдов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2009. –С.276-279.
5. Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро шартномалар: тўплам. – Т.: Адолат, 2004. - Б.XIII.
6. <http://muslim.uz/index.php/vatandosh/item/7205-khal-aro-migratsiya-tashkiloti-delegatsiyasining-uchrashuvlari>
7. Максакова Л. Миграция населения: проблемы регулирования. – Ташкент: «Эльдинур», 2001. - С.88.
8. Там же. -С.88.
9. Арипова К., Ким И. Организационно-правовая база трудовой и нетрудовой миграции в Республике Узбекистан //Проблемы углубления судебно-правовой и административной реформ в Республике Узбекистан. Материалы республиканской научно-практической конференции. - Т.: УМЭД, 2006. - С.184.
10. http://www.gks.ru/wps/wcm/connect/rosstat_main/rosstat/ru/statistics/population/demography/#
11. <http://repost.uz/uzbekistan-transfer>

БУЮК ҲУҚУҚШУНОС УБАЙДУЛЛА ҲЎЖАЕВ ҲАҚИДА УНУТИЛГАН ВА УНУТИЛМАГАН ҲАҚИҚАТЛАР

Машҳур ўзбек адаби Шукруллонинг «Тирик руҳлар» романни буюк ўзбек ҳуқуқшуноси Убайдулла Ҳўжаевга багишланганини кўпчилик кишилар яхши билишади. Романда Убайдулла Ҳўжаевнинг бошидан ўтказган мاشаққатли ҳаёт йўллари ва ўша даврдаги алгов-далгов замоннингadolatсиз, оғриқли нуқталари баён этилган.

Халқимизнинг чинакам ўғлони Убайдулла Ҳўжаевни ўзбек миллатининг жонкуяр ҳуқуқшуноси, таъбир жоиз бўлса, миллатнинг эртанги кунини ёритган шамчироғларидан бири эди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. У миллати дардини ўйлаб, халқни дунё билимларидан хабардор қилиш, бошқача айтганда одамларнинг кўзи очилиши учун «Садои Туркистон» деган газетани очиб, унга ўзи муҳаррирлик қилиб, халққа зиё нурини сочган. Шунингдек, у Туркистон Мухторияти тузилгач ҳарбий ва ички ишлар вазири вазифасини ҳам бажарган.

Тарихий манбаларда қайд этилганидек, 1917 йилнинг ноябринда Кўқон шаҳрида ўлқадаги илк демократик давлат – Туркистон мухторияти тузилган. Ва атиги 72 кун фаолият кўрсатган Туркистон мухторияти бугунгacha эрк, озодлик тимсоли сифатида Марказий Осиё халқлари қалбида узоқ сақланиб қолган. Мухторият таркибига ҳарбий вазир, Бутунrossия мусулмонлари кенгаши марказий қўмитаси аъзоси, ҳуқуқшунос Убайдулла Ҳўжаев ҳам киритилган.

Унинг ҳуқуқшунослик фаолияти, рус-тузем мактабида ўқиши тугатгач ўша пайтдаги Тошкент шаҳар 1-участкасининг Мировой судьяси Оранскийга арзимаган иш ҳақи эвазига ишга жойлашиши билан бошланган. 1907 йилда Тошкент темир йўл юридик бўлимига иш юритувчи лавозимга жойлашади. Кейинчалик Тошкент округ судига эркин мирза сифатида ишлайди ва ишбилармон маҳаллий кишилардан бири сифатида судда таниш ортиришга улгуради.



Унга маҳаллий адвокат эътибор бериб, Россияга иш юритувчи сифатида олиб кетган ва хусусий ишончли (частный поверенный), яъни адвокат дипломини олишга ёрдам берган.

У Россиядан қайтиб келгач Тошкент округ судида ҳуқуқшунос Иван Чарковский билан бирга фаолият юритади. Туркистон туман муҳофаза бўйими маълумотларига қараганда, бир неча ишларни муваффақиятли тугатгани сабабли аҳоли орасида обрўси ошиб кетади.

Ўша даврда замон шундай бир таҳликали эдики, қанчадан қанча зиёлилар пантуркист, панисломист деган уйдирмалар билан ноҳақдан қамоқ жазосига ҳукм этилган. Замондан шикоят қилган, қамалганларга ачиниш билдирган кишилар уларга ҳамфир саналиб, бошлари балога қолганлиги ҳам аччиқ ҳақиқат.

Асарда Убайдулла Ҳўжаев ҳақида шундай фикр айтилган: «Буюклик тоғларга хос! Аммо буюк инсон бўлмоқ учун ҳам тоғдек бардош керак!». Ҳа, чиндан ҳам бу фикрда заррача муболага йўқлигига ҳар бир зиёли киши ишонади.

Энг ачинарлиси, ўзбек миллатининг гултожи бўлган жадид У. Ҳўжаевдан зурриёт қолмади. У бу ёруғ дунёга келиб, на рўшнолик, орзу-ҳавас, на фарзанд кўрди. Умрини миллаттага баҳш этишдан бошқа нарсани билмади. Ақли дониш, одамларга меҳри баланд, миллатпарвар, элсевар, зукко одам эди.

Асарда Убайдулла Ҳўжаев ҳақида шундай оташин сўзлар келтирилган: «Ҳар бир она ўз

фарзандининг қобил-солиҳ бўлиши, узок умр кўриши, фарзанд додини кўрмаслигини Худойи таолодан тилайди. Аммо, баҳтга қарши, бу она-нинг фарзандлари орасида қобил-солиҳи ҳам, эл ичидаги энг эътибор топгани ҳам, умр бўйи кўйдиргани ҳам Убайдуллахон бўлди».

Аҳамиятлиси, романда ҳамма даврлар учун муҳим ҳисобланган илм, маърифат ҳақида фикрлар айтилган. Ҳусусан, «Фуқарога илм ҳам керак, маърифат ҳам! Бунинг учун жаридалар ҳам рўзномалар ҳам чиқармоқ керак! Керак! Аммо, булар қачон чиқарилади-ю, қачон ҳалқ уларни ўқиб, илмли-маърифатли бўлади?! Қачон кўзи очилади?!».

Асарни мутолаа қилган ўқирман (ўқувчи) инсон эзгуликка чорловчи, ўлмас гоя ва фикрларни ўқийди. Чунончи, «Бир етимнинг бошини силасанг, бир фариднинг мушкулини осон қилсанг, бир беморнинг кўнглига малҳам бўлсанг, бунинг савобига не етсин!.. Аммо, ҳалқнинг дардига дармон бўлмоқ ниятида жон фидо қилсанг, унинг баҳт-саодати учун ўз ҳаловатингдан кечсанг, ҳаётингни шунинг йўлига тиксанг, бунинг савобига teng савоб бўлармикан дунёда?! Ҳалқ учун жонини қурбон қилишдан афзалроқ, инсон учун улуғроқ савоб иш йўқ! Ҳалқнинг баҳту озодлиги йўлида қурбон бўлганларга ўлим йўқ!».

Чиндан ҳам, бу фикрлар юрагида инсонийлик қони жўш уриб турган ҳар қандай кишини ватанпарварликка, савоб ишларни амалга оширишга, эзгуликларга ундаиди.

Таъкидлаш жоизки, романда Убайдулла Ҳўжаевнинг ватанпарварлиги ҳақида қўйидаги сатрларга кўзимиз тушади: «Ватанпарварлик – ўзини унумтоқ! Мана шундай ҳис билан Истиқлол учун курашга киргандардан бири Убайдулла эди».

Шу ўринда айтиш керакки, асарда адвокат касбига шундай ажойиб таъриф берилган: «Адвокат – қонунни жуда яхши билган, адолатли, кишиларга холис хизмат қилувчи, ноҳақ жабрдан



қутқариш учун курашувчи олижаноб шахс».

Эътиборлиси, романда ҳақиқат ва ҳақгўйлик ҳақида жонли ва жуда таъсирли сўзлар келтирилган. «Одамлар бор, фақат ҳақиқат ҳақида, ҳақгўйлик ҳақида жон кўйдириб гапиради. Аммо ўша одамлар ноҳақликни қилаётган кимлар эканини ўзлари билмайдими? Йўқ, билади! Бу ноҳақликларнинг келиб чиқишига ўзлари ҳам сабабчи эканликларини тан олгилари келмайди. Унга қарши курашга келганда-чи, кўзларига жонлари ширин кўриниб қолади. «Тинчлик бўлсин», -дейдилар-у, сукут сақлайди».

Шу каби, адолат ҳақида ҳам қўйидаги қимматли фикрларни ўқиймиз: «Ёвузликка ёвуз бўлмоқ – адолат! Ёвузликка шафқат йўқ».

Китобда ўзбек жадидларидан яна бири Абдурауф Фитратнинг буюк Амир Темур руҳига айтилган оташин фарёди баён этилган: «Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйним букук. Сенинг зиёратингга келдим, сultonим! Эгилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга келдим. Қоронгилар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олгали келдим».

Айтиш жоизки, романда мустақиллик ва истиқлол ҳақида ҳам шонли сўзларни ўқиймиз: «Мустақиллик. Бунга етмоқ ниятида не-не курашлар бўлмади! Не-не асл фарзандларимиз жонларини фидо қилиб, қурбон бўлиб кетмадилар. Истиқлолнинг бу қадар жон фидо қилгулик не сеҳри, не мўъжизаси борки, асрлардан буён инсоният Истиқлол учун, бир қулоч ери бор ҳалқлар ҳам жон олиб, жон бериб курашган. Ахир бизнинг Турон юртимиз гўзалликда ҳам, бойлиқда ҳам Ҳудонинг марҳамати ёғилган бир замин эмасмиди? Йиллар бўйи таланмадими? Ўзимиз қайтадан эга бўлганимизга шукрлар! Муборак бўлсин! Истиқлол йўлларимизни ёритадиган машъял нури, ҳар биримизнинг дилларимизга чуқур кириб боргандагина абадий бўлади!».

Мұхтасар айтинда, миллатимизнинг ўтган асрдаги буюк ҳуқуқшуноси Убайдулла Ҳўжаевнинг фаолияти ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларга ибрат намунаси бўлиб, адолат йўлида қатъият ва фидокорона ишлашга, ҳақиқат учун курашиб яшашга даъват этади.

Пастдарғом туман иқтисодий суди раиси Луқмон АСАТОВ



Баҳром ЖЎРАЕВ,
Қарши Давлат
Университети
психология кафедраси
психология фанлари
бўйича фалсафа
доктори

Ёшларимиз хақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бунгина ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор багишлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ – ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳонда инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш, хуқуқий саводхонликни ошириш ва унинг устуворлигини таъминлаш дол зарб аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда таълим муассасалари билан ижтимоий институтлар ҳамкорлигини таъминлаш жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлашнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллариданоқ, ҳалқимизнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”[1] қабул қилинганини бунинг амалий исботидир.

Хуқуқий саводхонликка эришиш шахснинг хуқуқий жиҳатдан билимли, юксак хуқуқий маданиятли ва маънавиятли бўлишига, хуқуқнинг моҳияти, аҳамияти ва талабларини чукурроқ англашига, қонунларга нисбатан ҳурматни тарбиялайди, уларга бўйсуниш маданиятини шакллантиради. Ҳар бир инсон хуқуқий билим ва маданиятга эга бўлиши, уларга қатъий амал қилиши, Қонун устуворлигини дилдан, қалбдан хис қилиши, ҳалқ ва миллат етуклигининг муҳим кўрсаткичи эканлигини белгилайди. Хуқуқий билим ва маданиятга эга бўлган ҳалқ ҳамда миллат ўзини-ўзи англаб етади, кучи ва имкониятларига ишонч туйгуси таркиб топади. “Мустақиллик – бу, аввало, хуқуқдир. Яъни, ҳар қайси ҳалқ ва жамият ўз кучи ва қудратига суюниб ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт





қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳукуқидир” [2]. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида ахолининг ҳукуқий саводхонлиги борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ушбу мулоҳаза асосида қурилганлиги ҳақида ху-лоса қилиш имкониятини беради.

Жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўз ўрнини топганлиги, сиёсий, иқтисодий ва маданий йўналишларда алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги фуқароларнинг халқаро ва миллий-ҳукуқий меъёрларни чуқурроқ билишига зарурат туғдириди. Вояга етмаган ўспиринлар ўртасида содир этилаётган ҳукуқбузарликларнинг аксарияти, шу жумладан, турли ёт гоялар таъсирига тушиб қолиши, маъмурий ҳукуқбузарликлар ва майда жиноятчиликнинг содир бўлиши, айнан ўқувчилар томонидан ҳукуқий тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ ўзлаштирмаётганлиги, ҳукуқий тушунчаларнинг психологияк моҳиятини англаб етмаётганлиги, аҳлоқий ва ҳукуқий онгни қарор

топтиришнинг педагогик-психологик механизmlарининг вояга етиш, ривожланиш даврлари билан уйғунлигининг тўлиқ таъминланмаётганлиги сингари зарур омиллар билан асослаш мумкин.

Айниқса, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш, ҳукуқий маданиятни, ҳукуқий таълимни такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. «Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир,...улар 2 миллиард кишини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги шу ёшларимизнинг қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ». [3]

Инсон ҳукуки ва ахолининг ҳукуқий маданияти тушунчалари узвий боғлиқ

ва ҳамохангдир. Шу боис инсон ҳуқуқлары жуда кенг тушунча бўлиб ўз ичига тизимли равишда ҳуқуқий маданиятни ҳам қамраб олади. Кучли ҳуқуқий давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтишда биринчидан инсон ҳуқуқи маданияти, иккинчидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини узвийлигини таъминлаш баробарида уни юксалтиришга эришиш мустақил демократик тараққиёт гаровидир. Шу нуқтаи-назардан ҳозирги кунда ҳуқуқий саводхонликни шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқий маданияти шахснинг халқаро глобал муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ сиёсий – ҳуқуқий фаоллигини оширишга бевосита алоқадорлигини назарда тутсак, инсон ҳуқуқий маданияти ва улар хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса инсон ҳуқуқи маданияти ва мустақиллик қадриятларининг узвийлиги ва барқарорлиги демократик тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Маълумки, қонун устуворлиги унинг моҳиятини англаш ва унга итоаткорона муносабатда бўлиш ўта муҳим жараёндир. Буни ҳис қилмоқ учун эса ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада бўлмоғи лозим. Демак, масала ўз-ўзидан яна ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга бориб тақалади. Бунинг учун эса асосий эътиборни тарбия маскани бўлмиш, ўкув таълим билим юртлари, қолаверса ундағи муҳитни согломлаштириб турувчи ўқутувчилар жамоасига қаратмоқ зарурдир.

Авваламбор у ерда ўсиб улғаётган, таълим олаётган ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришни бир тизимга йўналтириш орқали кенг омма орасида ёшлар мавқенини ошириш мумкин бўлади.





Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятда шундай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит ҳамда қадриятлар юзага келдики, улар одамларнинг, айниқса, ёшларнинг ўзини ўзи англашни, ҳуқуқий онгининг ўсиши, ўзини баҳолаш ва назорат қилиш даражасига шунингдек, бу сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган таълимимга янги талаблар қўймоқда.

Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш демократия каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон Республикаси давлатчилиги манфаатларига халқнинг ўзига хос хусусиятларига эгалигининг унинг урф-одатларга тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари жамиятимизнинг Конституцияси ва қонунлари билангина эмас, балки халқнинг онглийлик дараҷаси, унинг маънавияти, дунёқараши ижтимоий тажрибаси меҳр шафқати сезирлиги билан мустаҳкамланади.

Дарҳақиқат инсон камолотида кўпгина шахс сифатлари қаторида ҳуқуқий билимлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, шахс ҳуқуқий билимларни ўзлаштириши орқали ўзини қонун доирасида бошқариш имкониятига эга бўлади шу билан бирга унда ҳуқуқий са-

водхонлик хатти-ҳаракатларини қонун доирасида назорат қилиш қобилияти таркиб топади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз интилаётган фуқаролик жамияти юксак маънавий заминга, фуқароларнинг сиёсий – ҳуқуқий фаоллигига, чинакам ҳуқуқий маданиятга таянади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий алоқалар, шу жумладан, ҳуқуқий муносабатлар ниҳоятда адолатли бўлмоғи, ҳалоллик, поклик, инсоф, иймон ва виждан асосида қурилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. –№9. – 227-модда
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 48 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 20 сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2017 й 23 сентябрь №192 6886



Бобоқул ТОШЕВ

Юристлар малакасини
ошириш маркази
кафедра мудири,
юридик фанлар доктори

Мансабдор шахсларнинг коррупция бўйича жавобгарлигини белгилашда миллий қонунчиликни таомиллаштириш

Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Қонунчиликка кўра коррупция деганда шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушунилади. Коррупция паст иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, камбағаллик даражасини камайтириш ва ривожланишни таъминлаш учун энг катта тўсиқ ҳисобланади.

Қадимги юонон файласуфи Аристотель “Ҳар қандай давлат тузумида энг муҳими – бу қонунлар ва тартиб-қоидалар воситасида ишни шундай ташкил этишки, мансабдор шахслар қинғир йўл билан бойлик орттира олмасин”, – деб ўринли таъкидлаган эди. Пора олиш ва бериш Қадимги Римда амал қилган 12 жадвал қонунларида тилга олинган. У қандай жамият бўлмасин, одамлар коррупцияга қарши курашиб келди.

Инсоният янги асрда давлат ва жамиятни ичкаридан емирадиган иллат-коррупцияга қарши курашга бел боғлади, унинг илдизларини таҳлил қилиш орқали унга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий механизмларини яратишга ҳаракат қилди. Натижада коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро-ҳуқуқий хужжат





сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Коррупцияга қарши конвенциясига асос солинди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли қарори билан мазкур конвенция қабул қилинди. Конвенция муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат. Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга 2008 йил 28 августда қўшилган.

БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясининг қабул қилиниши халқаро ҳамжамият коррупциянинг олдини олиш ва илдизини қуритишга дадиллик билан киришाटғанлигини яққол акс эттиради. Мазкур конвенция, коррупцияга чалинган шахслар жамият ишончини оқламасалар, бундан кейин уларнинг кирдикорлариға ҳеч ким чидаб турмаслиги ҳақида қатъий огохлантиради. Конвенция ривожланишга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун бизнинг дунёни такомиллаштиришга қаратилган ишларда ҳалоллик, ҳуқук устуворлигини ҳурмат қилиш, ҳисбот юритиш ва ошкоралик, ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади.

Конвенцияда ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳуқуқ-тартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мulkни керакли даражада бошқариш, ҳалоллик ва содиклик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёsatни ишлаб чиқади ва амалга ошириши ёки олиб бориши қатъий белгилаб қўйилди.

Конвенция қоидаларини амалда таъминлаш мақсадида 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 34 моддадан иборат қонуни қабул қилинди. Қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёsatининг асосий йўналишлари сифатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, кор-

рупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган. Жумладан, Конуннинг 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Боз прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган.

Бу қоида Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандидаги ҳар бир иштирокчи Давлат БМТнинг Боз котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи Давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қиласи, деган талабларига тўла жавоб беради.

Конуннинг 2-бандига кўра, Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоландиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилишилиги баён этилган.

Конвенцияда ҳам, қонунда ҳам мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ қилмишларига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Конвенциянинг “Маҳаллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига





оғдириш”, “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”, “Фаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”, “Хизмат мавқеининг суиистеъмол қилиниши”, “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”, “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”, “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш”, “Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш” каби моддаларида бевосита мансабдор шахслар ва ҳокимият вакилларини қилмишларига ҳуқуқий тушунчалар ва баҳо берилган. Шунга кўра, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ҳам бундай хатти-ҳаракатлар жиноий қилмиш сифатида баҳоланади ва бу турдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистон Конвенциянинг “Ноқонуний тарзда бойлик ортирилиши”ни жиноят деб баҳолаган 20-моддаси ва “Юридик шахсларнинг жавобгарлиги”ни назарда тутувчи 26-моддасига қўшилмаган. Қонуннинг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-банди-

нинг “а” кичик бандига мувофиқ, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир эттан шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланишлигини билдирган.

**Қонуннинг 4-бандига кўра,
Ўзбекистон Республикаси
Конвенциянинг 46-моддаси
13-банди бўйича “Ўзбекистон
Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам
курсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган эканлигини, 14-банди бўйича эса “Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланиши таъкидланган.**

Конвенциянинг 66-моддаси 2-банди қоидаларига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бу позицияси тегишли асосга эга эканлигига амин бўламиз. Яъни, бу бандда икки ёки ундан ортиқ иштирокчи давлатларнинг Конвенцияни шарҳлаш ёки кўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилиги мунозаралар олиб бориш йўли билан ёки арбитраж йўли билан ҳал этилиши, келишмовчиликлар бу йўсинда ўз ечимини топмаган тақдирда давлатлардан бирининг Халқаро Судга мурожаат этиши орқали бир қарорга келиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас деб ҳисоблашининг ҳам хуқуқий асоси мавжуд. Конвенциянинг айнан шу моддаси 3-бандида ҳар қандай иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида билдиришни баён этиш хуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Мансаб вазифасини суиистеъмол қилиш шакллари жуда ранг-баранг бўлгани боис, турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади.

Ҳокимият (ижроия, вакиллик ва суд) органларидағи коррупция ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистондаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу турдаги коррупция

жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларни ўзлари қонунга риоя этишлари ва уни муҳофаза қилишлари лозим бўлган кишилар содир этади. Аксарият мамлакатларда бу жиноятлар кенг тарқалганилиги, давлат аппарати ходимлари коррупция домига илинганилиги мазкур мамлакатларнинг қонунчиларини порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа хавфли мансабдорлик жиноятларига қарши қатъий чоралар кўришга ва аксинча, амалдорларнинг унча хавфли бўлмаган ва кўпроқ даражада тарқалган жиноятларига жиддий эътибор бермасликка (масалан, унча қиммат турмайдиган совға олиш жиноят ҳисобланмайди) мажбур қилаётir.

Фаолият кўрсатиш даражаларига кўра коррупция қуий даражадаги, юқори даражадаги ва вертикал даражадаги шаклларга фарқланади.

Қуий даражадаги коррупция ҳокимият ва бошқарув органларининг ўрта ва қуий даражаларида айниқса кенг тарқалган бўлиб, амалдорлар ва фуқароларнинг мунтазам ўзаро алоқаси билан боғлиқ (рўйхатдан ўтказиш, жарималар, лицензиялаш, турли рухсатномалар олиш ва бошқалар).

Юқори даражадаги коррупция ҳокимият органларида ишлайдиган сиёсатчилар, олий мартабали амалдорларни



қамраб олади ва жуда катта қимматга әга бўлган қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ (қонунларни илгари суриш ва қабул қилиш, давлат буюртмалари, мулк шакларини ўзгартириш ва бошқалар). Аксарият ҳолларда коррупция битимидан манфаатдор бўлган иккала томон айни бир давлат ҳокимияти органида ишлайди. Масалан, қўйи турувчи давлат органининг амалдори ўзининг юқори турувчи бошлиғига у пора берувчининг коррупцион ҳаракатлариға ҳомийлик қилиши ёки кўшимча маблағлар, ресурслар, ваколатлар бериши учун пора беради.

Ушбу Конвенция коррупцияга қарши курашишда хукуқий ва меъёрий тартибларни мустаҳкамлаш мақсадида барча мамлакатлар томонидан кўлланилиши мумкин бўлган бир қатор стандартлар, чора-тадбирлар ва меъёrlарни қамраб олган. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш, айниқса, мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш, бундай иллатга қарши курашни тизимили ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралда қабул қилинган, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг таркиби ҳам тасдиқланди ва комиссиянинг асосий вазифалари белгиланди.

Қонунчиликда давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум



бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шартлилигини белгилангани мансабдор шахсларнинг фаолиятида шаффоффик ва холисликни таъминлаш ҳамда давлат ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қиласди.

1995 йилдан бери Transparency International халқаро ташкилоти томонидан тузиладиган Коррупцияни қабул қилиш индекси эълон қилиб борилади. Коррупцияни қабул қилиш индекси — турли мамлакатларнинг давлат секторида коррупцияни қабул қилиш даражасини баҳоловчи таркибий индексdir. Мазкур индекс натижалари мансабдор шахслар фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилиш, давлат хизматини кенгайтириш, мансабдор шахсларни вазифага кўйишда сайлов тизимини жорий этиш, мансабдор шахсларга коррупция билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини баҳолаш механизмларига ҳар томонлама боғлиқ. Зеро, давлатнинг кучи мазкур соҳадаги жиноятларга муросасиз бўлиш, яъни, доимий равишда миллий қонунчиликни такомиллаштириб боришда кўринади.



Нихолбек ФАНИЕВ,

“Huawei Tech
Investment Tashkent”
юристконсульты

Телекоммуникация хизматларининг тури сифатида почта алоқаси хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши



Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлашга хизмат қиласди. Сўнгги пайтларда бозор муносабатлари шароитида нафақат товар бозори, балки ишлар ва хизматлар бозори ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда. 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам юқоридаги товар, иш, хизмат бозоридаги муаммолар эвазига келиб чиққани сир эмас. Сервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш бозорининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш асосий мақсадлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зоро, бугунги кунда юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетган. Ер юзида 3.3 млрд. киши мобиль алоқа хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Агар, 1987 йилда 35 та мамлакатда мобиль алоқа хизмати мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда бундай давлатлар сони 224 тани ташкил этмоқда. Бу йўналишда 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланганди. Замонавий технологиялар базасида “Тошкент – Бухоро” магистраль алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларнинг ўтказувчаник қобилиятини 60 баробар ошириш ва шу тариқа видеотелефон, Интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди. Шу билан бирга, “Андижон – Ўш”, “Денов – Турсунзода”, ва “Термиз – Ҳайратон”, “Қунғирот -Бенау” йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди.

Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши, сўзлашув ва ахборот етказиш усул

ва воситаларининг кенгайиши кейинги пайтларда жаҳонда рўй бераётган илмий-техникавий тараққиёт ютуқлари сифатида баҳоланмоқда. Мазкур соҳадаги техник ютуқлар ўз навбатида улар натижасида вужудга келаётган ижтимоий-иктисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини юзага келтиради. Замонавий ҳуқуқшунослик вужудга келаётган янги муносабатларни тартибга солишда мавжуд анъаналар ва услублардан фойдаланиши бугунги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарали механизмларидан биридир. Айнан ушбу жиҳатлар телефон алоқаси хизматини ҳуқуқий тартибга солишка ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, телефон алоқаси хизматида янги усулларнинг жорий қилиниши ва хизмат кўрсатишнинг ушбу соҳасидаги сифат ўзгаришлари ҳуқуқий тартиботда ҳам ана шундай такомиллашувни талаб қилади.

Маълумки, телекоммуникация хизматлари Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Почта алоқаси тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги Қонунлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонунда алоқа тушунчасининг легал таърифини ифодалаш зарур ва ушбу таъриф Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар сифатида белгиланиши ҳамда қўйидагича баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“Алоқа хизмати — электрон алоқа воситалари ёки поча жўнатмалари орқали ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, жўнатиш ва етказиш бўйича фаолиятдир”.

Алоқа соҳасидаги хизматлар обьектлари ҳам Қонуннинг 2-моддасида қўйидагича белгилangan: алоқа соҳасидаги муносабатларнинг обьектлари почта жўнатмаларини қабул қилиб олиш, ташиш ва кўрсатилган жойга етказиб бериш воситаларининг йигиндиси бўлган почта алоқаси тармоқларидан ҳамда бир ёки бир нечта узатиш турларини: телефон, телеграф, факсимил узатишларни, ҳужжатли хабарларнинг бошқа турлари маълумотларини узатишни, телевидение ва радиоэшилтириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникациялар воситалари йигиндиси бўлган телекоммуникациялар тармоқларидан иборат.

2002 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан ахборот бу – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир.

Қонунда ифодаланган обьектларни умумлаштириб алоқа соҳасидаги хизматлар обьекти – бу ахборот деган холосага келиш мумкин. Ахборот – бу етказиб бериш шаклидан қатъи назар маълумот (хабар, кўрсаткичлар) лардир. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида ахборотлаштиришга оид асосий атамалар ва тушунчаларнинг легал таърифи берилган бўлса-да, лекин ахборот тушунчасининг ифодаси ўз аксини топмаган. Бироқ ахборот турли шаклда ифодаланадиган маълумотлар, хабарлар ёки муайян кўрсаткичлар сифатида эътироф этилганда, унинг икки муҳим жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, ахборотнинг нарса, ҳодисалар ёки воқеалар ҳақидаги тасаввурнинг ҳосил қилиши;

- иккинчидан, муайян хабарнинг ёки маълумотнинг бирор-бир қатъи шаклда ифодаланишининг талаб этилмаслиги.

Почта алоқаси ҳам алоқа хизматининг бир тури бўлиб, унинг мазмун-моҳияти ва легал таърифи бўйича адабиётларда турли хил баҳс-мунозаралар мавжуд.





Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги 2000 йил 31 августдаги қонуни З-моддасига асосан почта алоқаси – почта жўнатмаларини, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш)ни ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа туридир.

Соҳа мутахассиси С.Ю.Прищепа алоқа хизматининг умумий тушунчасини қўйида-гича шакллантиради: алоқа хизмати бу белгилар, сигналлар, ёзма матнлар, ифодалар, товушларни алоқа тармоғи орқали қабул қилиш, қайта ишлаш, ўтказиш ва топширишга қаратилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида амалга ошириладиган алоқа операторининг комплекс ҳаракатларидир.

Бундан ташқари, айрим адабиётларда алоқа хизматини алоқа ташкилотини ахборотни юбориш бўйича ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдали натижаси сифатида муайян истеъмол қийматига эга маҳсулот эканлиги таъкидланади.

Ушбу фикрларни таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, алоқа хизмати тушунчасига берилган таърифларда асосий эътибор алоқа обьектларини, яъни ахборот-

ни унинг у ёки бу турини бир шахсдан қабул қилиш, уни қайта ишлаш, юбориш ёки етка-зишга қаратилган фаолият эканлигига қара-тилади. Албатта “алоқа” сўзи ўзининг луғавий маъносига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг ахборот алмашинувини англаатади.

Айрим давлатлар қонунчилигига алоқа хизмати тушунчасининг таърифи берилади. Хусусан, Россия Федерациясининг 2003 йил 7 июлдаги “Алоқа тўғрисида”ги Қонунида алоқа хизмати тушунчаси электрон алоқа хабарлари ёки поча жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, юбориш, етка-зиш бўйича фаолият сифатида белгиланади.

Бошқа бир мутахассис О.В.Жевнякнинг фикрича, почта алоқаси хизматининг легал таърифида ифодаланган пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш алоқа хизматининг ахборот тусида эканлигига зиддир. Бунда мижознинг эҳтиёжи пул жўнатмаларини ўтказиш бўйича ҳаракатларни амалга оширишда ифодаланади. Шу сабабли почта ўтказмалари ва банк ўтказмаларининг табиати бир хил дейиш мумкин. Бинобарин, бунда Қонун банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини нокредит ташкилотлари га юклаган. Фикримизча, О.В.Жевнякнинг мазкур қарашлари соғ назарий тусга эга ва алоқа хизмати доирасини чеклашга ҳаракат қиласди. Маълумки, бугунги кунда почта жўнатмалари орқали пул маблағларини қабул қилиш ва олиш банкнотларни конвертга солиш ва тегишли манзилга ушбу конвертни топшириш орқали амалга оширилмайди, аксинча, замонавий технологиялар муайян пул маблағларини бир манзилдан иккинчи манзилга кўчирилганлигини ёки почта пул ўтказмаларини жўнатилганлигини хабар қиласди ва муайян пул суммалари мижозга ўша ҳудудда мавжуд бўлган пул маблағлари орқали етказилади. Бунда мижоз жўнатиш учун почтага топшириган пул маблағлари шу почтанинг ҳисоб-рақамига ўтказилиши ва почтанинг белгиланган ҳудуддаги бўлимлари ҳисоб-рақамидаги пул суммаларидан олиниши мумкин. Фикримизча, почта алоқаси орқали пул ўтказмаларини амалга ошириш алоқанинг маҳсус тuri сифатида мавжуд бўлиши ва сақланниб қолиши ҳуқуқий нуқтаи назаридан тўғридир. Бироқ бугунги

кунда пул ўтказмаларининг маҳсус турлари (Вестерн-юнион, Мигом, Буюк ипак йўли ва бошқалар) кенг жорий этилаётганлигини ҳисобга олиб ҳамда банклар пул ўтказмалари бўйича маҳсус хизматларни таклиф этаёганлигини назарда тутиб, почта пул ўтказмалири амалиётда деярли қўлланилмаётганлигини айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан 2006 йил 12 майдаги 05-15 сон қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи”да ҳам почта хизмати алоҳида бўлимларда ўз ифодасини топган.

Кези келганда айтиш мумкинки, БМТ-нинг Стандартлар таснифлагичига мувофиқ, хизматларнинг 600 дан ортиқ тури бир бирдан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сонли “2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рако-батни ривожлантириш, хизмат турларини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган ва унга асосан 2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган. Дастурда почта алоқасининг янги хизмат турлари комплексини жорий этиш мақсадида почта жўнатмаларини етказиб беришни Интернет ёки телефон орқали назорат қилиш тизими, интерактив хизматлар – компьютер технологияларига асосланган сўзлашув пунктларидағи телефон, факсимил алоқа хизматлари, электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланишни кенгайтириш масаласи кун тартибиға қўйилган.

“Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, оператор ва провайдерлар қуидагиларга мажбурдир:

почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни поча қоидаларига мувофиқ амалга ошириш; фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олишини таъминлаш;

почта алоқаси кўрсатаётган хизматлар сифатли бўлишини таъминлаш;

почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш;

почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ускуналар, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш воситаларига эга бўлиш;

фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек, почта алоқаси хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этиш;

почта алоқаси хизматларининг бажарилмаганилиги ёки лозим даражада бажарилмаганилиги учун фойдаланувчиларга етказилган заарларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаш.

Оператор ва провайдерлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда почта алоқаси хизмати давлат монополияси амал қилаётган тармоқлардан бири саналади. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 3-қисми 21-бандига кўра, почта алоқаси корхоналари Ўзбекистон Республи-



каси Президентининг қарорига кўра, давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин. Шу сабабли ҳозирда бу тармоқда хусусий сектор вакиллари фаолият кўрсатишмайди. Зоро, эндиликда ушбу хизматга бўлган аҳоли ва юридик шахсларнинг эҳтиёжи у қадар юқори эмас. Чунки, почта хизматнинг кўплаб йўналишлари Интернет тармоғида амалга оширилмоқда. Шу сабабли почта хизматларининг турларини такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд. Ҳозирда почта хизмати томонидан кўрсатиляётган хизматларнинг турларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-сон буйруғига [рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель] илова қилинган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидаларининг 15-бандида почта хизматлариниг қўйидаги турлари белгиланган: почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмалари ва халқаро пул ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш); тезкор почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро тезкор почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш).

Бунда Ўзбекистон Республикаси худудида адресатга жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) учун қабул қилинадиган почта жўнатмаларининг қўйидаги турлари ички почта жўнатмаларига киради:

а) хатлар (оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган);

- б) почта варақчалари (оддий, буюртма);
- в) бандероллар (оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган);
- г) секограммалар (оддий, буюртма);
- д) посылкалар (одатдаги, қиймати эълон қилинган);
- е) майда пакетлар (оддий, буюртма);
- ж) тезкор почта жўнатмалари;
- з) тегишлича ўрамдаги босма нашрлар.

Умуман олганда, почта алоқа хизматларини янада такомиллаштириш, почта хизматларида инновацион технологиялардан фойдаланиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис почта алоқа хизматларини такомиллаштириш, ушбу хизмат турини фойдаланувчилар учун ҳар томонлама мақбул ва қулай қилиш, почта хизматини тартибга солувчи қонунчилик тизимини қайта кўриб чиқиш ва “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Зоро, амалдаги “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонун замонавий коммуникация хизмати усуllibарини, почта хизматини бошқаришнинг янгича ёндашувларни ифода этмайди. Қолаверса, ушбу қонунда почта хизматлари тезлиги ва сифатини оширишга оид нормаларни киритиш, почта хизматларининг айрим турларини хусусий сектор вакилларига бериш ва бугунги кундаги Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилаётган ахборот алмашувдан фарқли равища почта хизматининг янги турларини назарда тутиш йўналишида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.



“ИЛМИЙ ИШ УСЛУБЛАРИ”

мавзусидаги семинар-тренингдан

2018 йил 20-22 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида “Илмий иш услублари” мавзусида Ўзбекистон Республикасидаги Конрад Аденауэр жамгармаси фонди ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда суд-хукуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва унинг аҳамиятини тарзиб қилиш ва ушбу ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида Марказ ходимларининг иштирокини атрофлича муҳокама қилишдан иборат.

Семинар-тренингда иштирок этган хорижлик эксперталар Ўзбекистонда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг мустақил босқичи эканлигини, юрист кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази муҳим ўрин тутишини алоҳида эътироф этишиди.



Томас КУНЦЕ, К.Аденауэр жамгармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари:

– Ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, хукуқшунос олимларнинг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Сўнгги ўипларда Ўзбекистонда юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Юридик кадрлар тайёрлаш тизимида тўпланган миллий тажриба ҳар томонлама таҳлил қилиниб, илгор хорижий амалиёт билан уйғулаштирилса, ижобий натижা беради. Бундай долзарб вазифани амалга оширишда эса, хукуқшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий-назарий йўналишда таклифлар ишлаб чиқиш ва амалдаги соҳа қонунчилигини тақомиллаштиришда олимларнинг иштироки муҳим ҳисобланади.





Андрей ЗИБКИН, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Россия Федерацииси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси собиқ проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор:

– Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, судхукуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти замон талабларига жавоб берадиган юридик кадрлар бўлиб ҳисобланади.

Бугунги семинар-тренинг амалий аҳамияти шундаки, соҳада қилинаётган илмий ишларни самарали ташкил этиш ҳамда олиб бориш, илмий изланишлар услубларини, илмий натижаларни умумлаштириш, натижаларни кенг илмий жамоатчиликка тарқатиш, илмий хуносалар ва таклифларни милллий қонунчиликка киритиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан замонавий илмий ишларнинг бажарилиши, уни ўтказиш методлари, материаллар манбаларини қидириш ва ишлатиш, илмий ишларни ёзиш қоидалари ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳуқуқшуносликнинг долзарб мавзуларида олимлар ўртасида биргаликда илмий тадқиготлар олиб бориш, тажриба алмашиб, соҳа ривожини таъминлаш мақсадида муайян ихтисослик бўйича ёш олимларни кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, биргаликда илмий изланишлар олиб боришга келишиб олинди.

**“Юрист ахборотномаси.
Вестник юриста.
Lawyer herald”
илмий-амалий журнали**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини
ошириш маркази



Таҳрир кенгаши:

Ф. Э. Мухамедов – Юристлар малакасини ошириши маркази директори, таҳрир кенгаши раиси;

А. Х. Саидов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ директори, академик, ю.ф.д., таҳрир кенгаши аъзоси;

Х. Б. Бобоев – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

А. Б. Фафуров – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринbosари, ю.ф.н., доцент, таҳрир кенгаши аъзоси;

О. Оқюлов – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, ю.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган юрист, таҳрир кенгаши аъзоси;

Т. Е. Каудыров – Қозогистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси ректори, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

Элизер Ривлин – Судьялар тайёрлаш халқаро ташкилоти президенти, Истроил Олий суди сабиқ судьяси, таҳрир кенгаши аъзоси.

Таҳрир ҳайъати:

Х. Т. Маматов – юридик фанлар доктори, доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

М. М. Мамасиддиков – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти бошлиги ўринbosари, ю.ф.д., профессор, таҳрир ҳайъати аъзоси;

Л. А. Саидова – Юристлар малакасини ошириши маркази Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

Б. И. Исмоилов – Юристлар малакасини ошириши маркази Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

Ғ. Алимов – Юристлар малакасини ошириши маркази Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

Ш. Файзиев – Юристлар малакасини ошириши маркази Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор, таҳрир ҳайъати аъзоси;

У. Аюбов – Ўзбекистон Республикасида ҳизмат кўрсатган юрист, ю.ф.н., таҳрир ҳайъати аъзоси;

А. Мўминов – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси.

Бош мухаррир:
Бобоқул ТОШЕВ

Ижодий гурӯҳ
Мухаррир:
Мавлуда ПЎЛАТОВА

Саҳифаловчи дизайннер:
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Мусаххих:
Комилжон НИЁЗОВ

Манзил: 100052, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улугбек тумани,
Катта Дарҳон кўчаси, 6-үй
Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигидан
12.03.2018 йилда 0963-ракам
билин рўйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган
материаллардан фойдаланилганда,
манба қайд этилиши керак.

Босишига 02.10.2018 да
руҳсат берилди.
Бичими 60/84 1/8, 12 босма табоқ
Буортма №
Адади 600

X.T “PRINT. UZ”
босмахонасида чоп этилди
Босмахона манзили: 100015,
Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси,
41/2-ўй

МУНДАРИЖА

Ф. МУХАМЕДОВ, Инсон хукуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи бош гояси.....	4-7
У. Қ. Мингбоев, Суд-хукуқ ислоҳотларидан кўзланган асосий мақсад – инсон хукуқларини таъминлаш.....	8-14
Коррупция – тараққиёт таҳди迪.....	15-20
И.Р. Мавланов, Трансформация экономической дипломатии Узбекистана и его правового обеспечения.....	21-28
Р. ТАШБАЕВ, Вопросы совершенствования института прекращения уголовного в деле в аспекте либерализации уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан.....	29-31
Х. МАМАТОВ, Давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмлари: амалиёт ва уни янада такомиллаштириш масалалари.....	32-39
Ш. ФАЙЗИЕВ, Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун: асосий йўналишлари ва амалиётга қўллаш масалалари.....	40-44
О. МУҲАММАДЖНОВ, юридик фанлар доктори Ҳукуқий педагогика: касбий маҳорат ва ахлоқий фазилатлар уйғунлиги.....	45-50
Б. ИСРОИЛОВ, Коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар учун юридик шахслар жавобгарлигини белгилашнинг долзарб масалалари.....	51-57
Г. АЛИМОВ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида коррупцион қўлмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигининг айrim хусусиятлари.....	58-61
С.А.Ишанходжаев, Ўзбекистоннинг меҳнат миграцияни тартибга солишга оид икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорлиги.....	62-67
Л. АСАТОВ , Буюқ ҳукуқшунос убайдулла хўжаев ҳақида унүтилган ва унүтилмаган ҳақиқатлар.....	68-69
Б. ЖЎРАЕВ, Ёшларнинг сиёсий – ҳукукий саводхонлигини юксалтириш масалалари.....	70-73
Б. ТОШЕВ, Мансабдор шахсларнинг коррупция бўйича жавобгарлигини белгилашда миллый іонунчиликни такомиллаштириш...	74-79
Н. ГАНИЕВ, Телекоммуникация хизматларининг тури сифатида почта алоқаси хизматининг ҳукукий тартибга солиниши.....	80-84
“Илмий иш услублари”	85-86